ПҚ-4125-сон қарорида 1-илоvasи яъни, Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига руҳсат берилган суд экспертизалари турларининг Рўйхатида "суд-компьютер-техникавий экспертизаси" кўрсатилган, уни ривожлантиришга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети бириктирилган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг расмий сайтида [17] мазкур экспертиза тури кўрсатилмаган. Мазкур экспертизани такомиллаштириш жараёнида уни номлашни ҳам қайтадан кўриб чиқиш, шу билан бирга 2019 йил 1 июлга қадар янги таҳрири ишлаб чиқилиши кўрсатилган Жиноят-процессуал кодексининг ҳам тегишли моддаларида ўз аксини топади, деган фикрдамиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Трегубов С.Н. Основы уголовной техники, научно-технические приемы расследования преступлений: Практическое руководство для судебных деятелей. - П., 1915. (Tregubov S.N. The basics of criminal technology, scientific and technical methods of investigating crimes: A practical guide for judicial figures. - P., 1915)

2. Сабадаш В.П. Компьютерная преступность: криминологический обзор. 13 октября 2006. Режим доступа: <http://www.crime-research.ru/articles/2918/>. (Sabadash V. Computer crime: a criminological review. October 13, 2006. Access mode: <http://www.crime-research.ru/articles/2918/>)

3. Тактика уголовного преследования и профессиональной защиты от него. Следственная тактика: Научно-практическое пособие / О.Я. Баев. - М.: Экзамен, 2003. (Tactics of criminal prosecution and professional protection from it. Investigative tactics: Scientific-practical guide / O. Ya. Bayev. - M.: Exam, 2003)

4. Леонов А.П. О единстве современной информационно-правовой лексики // Информационная безопасность и компьютерные технологии в деятельности правоохранительных органов: Межвуз. сб. - Саратов: СЮИ МВД России, 2003. (Leonov A.P. On the unity of modern information and legal vocabulary // Information security and computer technology in law enforcement: Intercollege. Sat - Saratov: SUI of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2003)

5. Аверьянова Т. В. Проблемы становления экспертизы компьютерных средств // Информатизация правоохранительных систем: Сб. тр. - М., 2001. (Averyanova, T.V. Problems of Formation of Examination of Computer Means, Informatization of Law Enforcement Systems: Coll. tr. - M., 2001)

6. Россинская Е.Р., Усов А.И. Судебная компьютерно-техническая экспертиза. - М., 2001 (Rossinskaya E.R., Usov A.I. Judicial computer-technical expertise. - M., 2001)

7. Комкова Е.А., Комков П.П. Информационно-технологическая экспертиза: основные понятия и место в классификации судебных экспертиз // Информатика в судебной экспертизе: Сб. тр. - Саратов, 2003. (Komkova E.A., Komkov P.P. Information technology expertise: basic concepts and place in the classification of forensic examinations // Informatics in forensic examination: Sat. tr. - Saratov, 2003)

8. Оспенко А. Л. Борьба с преступностью в глобальных компьютерных сетях: (Международный опыт): Монография. - М., 2004. (AL Osi penko. Fighting crime in global computer networks: (International experience): Monograph. - M., 2004)

9. Милашев В. А. Проблемы тактики поиска, фиксации и изъятия следов при неправомерном доступе к компьютерной информации в сетях ЭВМ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - М., 2004. (Milashev V. A. Problems of tactics of search, fixation and removal of traces with unauthorized access to computer information in computer networks: Author. dis. Cand. legal sciences. - M., 2004)

10. Белкин Р.С. Курс криминалистики. - М., 1997. - Т. 2. (Belkin R.S. Forensics course. - M., 1997. - T. 2)

11. Мещеряков В. А. Преступления в сфере компьютерной информации: основы теории и практики расследования. - Воронеж, 2002. (Mescheryakov V. A. Computer crimes: the basics of the theory and practice of investigation. - Voronezh, 2002)

12. Вехов В.Б., Попова В.В., Илюшин Д.А. Тактические особенности расследования преступлений в сфере компьютерной информации. - М., 2004. (Vekhov V.B., Popova V.V., Ilyushin D.A. Tactical features of the investigation of crimes in the field of computer information. - M., 2004)

13. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлари тергов қилишда қўздан кечирини тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва хусусиятлари: Ўқув-амалий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. (Examination of crimes in the field of information technologies in the investigation procedure and features of investigative action: Educational and practical manual. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2014)

14. Соловьев Л. Н. Вредоносные программы: расследование и предупреждение преступлений. - М., 2004 (Soloviev L.N. Malicious programs: investigation and prevention of crimes. - M., 2004)

15. Основы методического обеспечения судебно-экспертного исследования компьютерных средств и систем: учебно-практическое пособие / Под ред. Е.Р.Россинской - М., 2002. (Fundamentals of methodological support of the forensic expert study of computer tools and systems: a training manual / Ed. E.R. Rossinskaya - M., 2002)

16. Романенко М.А. Судебная дигитология - современный взгляд на содержание криминалистической техники // Вестник Омского университета. Серия "Право". 2007. № 1 (10). (Romanenko M.A. Judicial digitology - a modern view on the content of forensic technology // Omsk University Bulletin. Series "Right". 2007. № 1 (10))

Нематов Жўрабек Нематиллович,

Тошкент давлат юридик
университети кафедра доценти,
Хуқуқ доктори
E-mail: jura0404uzb@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-3>

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАР ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ (СОВЕТ ДАВРИ МИСОЛИДА)

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон ҳудудида маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг совет даври мисолидаги қисқача таҳлили келтириб ўтилган. Амалга оширилган таҳсиллар натижасида маъмурий процедуралар ҳақида гап борганда совет ҳуқуқида асосан маъмурий процесс деган умумий тушунча асосида давлат бошқарувида ижро-фармойиш берувчи органларнинг барча фаолиятининг маълум бир нормалар билан тартибга солиниши назарда тутилганлиги илмий асослангириб берилган.

Калит сўзлар: маъмурий процедура, маъмурий процесс, фуқароларнинг мурожаатлари ва уларни қабул қилиш тартиби, адолат, қабул, эшитиш, шикоят.

Нематов Жўрабек Нематиллович,

доцент кафедры Ташкентского
государственного юридического
университета, доктор права
E-mail: jura0404uzb@mail.ru

ДИНАМИКА ИСТОРИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА)

Аннотация: В данной статье приводится краткий анализ правовых основ административных процедур на территории Узбекистана на примере советского периода. По итогам анализа было научно обосновано, что в советском праве административные процедуры отождествлялись с общим понятием административным процесса регулирующей определенными нормами всей деятельности исполнительно-распорядительных органов в государственном управлении.

Ключевые слова: административные процедуры, административный процесс, обращение граждан и порядок их приема, справедливость, прием, заслушивание, жалоба.

Nematov Jurabek Nematilloevich,

Associate Professor at Tashkent
State University of Law,
Doctor of Law,
E-mail: jura0404uzb@mail.ru

THE DYNAMICS OF THE HISTORICAL DEVELOPMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES IN THE TERRITORY OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF THE SOVIET PERIOD)

Annotation: This article provides a brief analysis of the legal basis of administrative procedures on the territory of Uzbekistan on the example of the Soviet period. According to the results of the analysis, it was scientifically justified that in Soviet law administrative procedures were identified with the general concept of an administrative process regulating certain norms of all activities of executive and administrative bodies in state administration.

Keywords: administrative procedures, administrative process, civil appeal and order of reception, justice, reception, hearing, complain.

For citation: Nematov Jurabek Nematilloevich. THE DYNAMICS OF THE HISTORICAL DEVELOPMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES IN THE TERRITORY OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF THE SOVIET PERIOD). Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 20-28

Ўзбекистонда маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш масаласига мурожаат этар эканмиз, аввало, маъмурий процедураларнинг ёки унга яқин бўлган масалаларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлишининг тарихий асосларига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Чунки тарихий манбаларнинг таҳлили маъмурий процедураларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлиш шарт-шароитларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилида тарихий нуқтаи назардан баъзи бир керакли хулосалар қилишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий процедураларнинг ёки унга яқин бўлган масалаларнинг мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлишининг тарихий асосларини мавжуд бўлган тузум ҳамда тарихий жараёнларни эътиборга олган ҳолда ушбу даврларни шартли равишда ушбу тадқиқот доирасида учга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар куйидагилар: 1) XX аср бошига қадар бўлган давр; 2) совет даври; 3) Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги давр. Мазкур мақолада совет даврида маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг тарихий ривожланиш динамикаси таҳлил қилинади.

Совет ҳуқуқида маъмурий процедуралар. Совет маъмурий ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра коммунистик гоя ва синфий ёндашув асосида шаклланган бўлиб, маъмурий ҳуқуқнинг мазмун-моҳияти ва тизими ҳам шунга хос ва мос тарзда эди.

Бундан ташқари, совет давлатида маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқий давлат[1], давлат ҳокимиятининг ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига асосланиши[2] ҳамда фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатланиши[3] каби энг муҳим асослари ҳам рад этилган ва тан олинмаган. Назарий ҳижатдан баъзи олимлар томонидан маъмурий ҳуқуқнинг бундай муҳим асослари мавжуд бўлишининг илмий асослари қисман келтириб ўтилган бўлсада[4], қайта қуриш (перестройка) даврига қадар жиддий ўзгаришлар бўлмаган[5].

Совет маъмурий ҳуқуқининг умумий ҳолати, хусусан маъмурий процедуралар масаласига бўлган ёндашувни янада аниқроқ англаш учун совет маъмурий ҳуқуқининг мазмуни нималардан иборат бўлганлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, совет маъмурий ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини маъмуриятнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиниши асосида шакллантирилмаган эди[6]. Фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳуқуқий кафолатлаш буржуа ҳуқуқининг белгиси сифатида рад этилган. Бунинг ўрнига эса фуқароларга турли ҳуқуқларини амалга ошириш учун моддий таъминот муҳим эканлиги таъкидланган. Қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлаб қўйишга эмас, амалда уларни таъминлашнинг моддий асосларига катта эътибор берилган. Лекин аслида эса, фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг моддий таъминоти ҳам етарли даражада бўлмаган. XX аср 60-70 йилларига келиб совет давлатида фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари етарлича ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганлиги қаттиқ танқид остига олинди, бундай ҳуқуқларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши муҳим эканлиги ҳуқуқшунос олимлар томонидан эътиборга олина бошлаган[7].

Совет ҳуқуқининг юқорида келтирилган умумий тавсифидан қуйидаги хулосани келтириб чиқариш мумкин. Совет ҳуқуқи фуқаронинг ҳуқуқини давлат бошқаруви органларининг ғайриҳуқуқий таъсиридан ҳимоя қилиш ва фуқарога ўз ҳуқуқларини амалга оширишига етарли ҳуқуқий кафолат (шарт-шароит, тизим) шакллантиришга асосланмаган эди. Бунинг асосий сабаби социалистик мафкура бўлиб, фуқаронинг давлатга нисбатан қандайдир қонуний талаблар қўйиши социализм асосларига тўғри келмайди деб ўйланилган[8].

Совет ҳуқуқида маъмурий процедураларнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлган ёки йўқлиги масаласига келадиган бўлсак, бу масала асосан маъмурий процесс доирасида кўрилган бўлиб, маъмурий ҳуқуқ институти сифатида маъмурий процедуралар ҳақида алоҳида илмий изланишлар ва ҳуқуқий асослар деярли мавжуд бўлмаган.

Шунга қўра, маъмурий процессни турли олимлар турлича тавсифлашнинг кўриш мумкин. Жумладан, маъмурий процессни ижро-фармойиш фаолияти асосида амалга ошириладиган процессуал қоидалар йиғиндиси (С. С. Студеникин[9]), давлат бошқаруви органларининг ижро ва фармойиш бериш фаолияти, тор маънода эса давлат бошқаруви органлари ваколатига кирадиган индивидуал маъмурий ишларни кўриб чиқиш (Г. И. Петров[10]), ижро ҳоқимияти органлари томонидан давлат бошқаруви соҳасида индивидуал-аниқ ишларни ҳал қилишнинг ҳуқуқ билан тартибга солинган тартиби (В. Д. Сорокин[11]), маъмурий-ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш тартиби (В. Д. Манохин[12]), нафақат юрисдикцион, яъни низоларни кўриб чиқиш фаолияти ва мажбурий чораларни қўллаш, балки тартибга солиш (регулятив) меъёрларни амалга оширишга қаратилган фаолият (ижобий характердаги фаолият) (Д. Н. Бахрах[13]), моддий маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш[14], кенг маънода бошқарув органларининг фаолиятини тартибга солишнинг умумий тартиби, тор маънода эса маъмурий санкциялар қўллаш ҳамда шикоят, низоларни кўриб чиқиш тартиби (И. И. Евтихийев[15]), юрисдикцион фаолиятни, жумладан маъмурий жарима ва бошқа маъмурий мажбурият чораларини қўллаш билан боғлиқ фаолият (А. В. Самойленко)[16] деб тушунилган.

Совет ҳуқуқида маъмурий процесс ҳақидаги илмий изланишлар асосан XX аср 60-йилларида бошланган [17]. Бунда маъмурий процесс асосан маъмурий юрисдикцион (маъмурий жавобгарликка тортиш) фаолият контекстида кўриб чиқилган бўлса-да, совет олимлари ўртасида бу борада кўплаб илмий баҳс-мунозаралар бўлган. Хусусан, совет олимларининг кўпчилиги маъмурий процессни юрисдикцион, яъни маъмурий жавобгарликка тортиш нуқтаи назаридан кўрган бўлса-да [18], аммо маъмурий процессни кенг маънода тушунадиган олимлар ҳам бўлган [19].

Баъзи олимлар, мисол учун А. П. Ключниченко, маъмурий жавобгарлик ва давлат бошқаруви соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш жараёнининг иккаласини ҳам юрисдикцион фаолиятнинг кўриниши сифатида келтириб ўтган [20]. Аммо В. Д. Сорокин ва М. И. Пискотин бу илмий қарашга мутлақо қаршичилигини билдириб, маъмурий процессга ҳам юрисдикцион, ҳам низоларни ҳал қилиш масалалари киришини таъкидлайди. Шунингдек, М. И. Пискотиннинг таъкидлашича, маъмурий процесс маъмурий ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд бўлган барча ҳолатда бўлади. Агар гап фақат маъмурий органнинг фаолият тартиби ҳақида кетса, бу – маъмурий иш юритув деб аталиши мумкинчилигини таъкидлайди [21].

О. М. Якуба эса иш юритувни янада кенгроқ маънода тушуниш лозимлигини таъкидлайди. РСФСР Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик процессининг бир неча иш юритувлардан иборат эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, маъмурий иш юритувни ҳам кенг маънода тушуниш лозимлигини таъкидлайди [22].

Албатта совет олимларининг ичида давлат бошқаруви органларининг ижро-фармойиш фаолияти маълум бир процессуал қоидалар асосида амалга оширилиб, унинг жамланмаси маъмурий процессни ташкил этиши (С.С.Студеникин [23]), маъмурий процесс кенг ва тор маънога эга эканлиги (Г.И.Петров [24]), маъмурий процесс маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг тартиби эканлиги (В.М.Манохин [25]), маъмурий процесс ижро ва фармойиш берувчи органлар мавжуд бўлган жойда бўлиши (А.Е.Лунев, Ц.А.Ямпольская, В.И.Попова [26]) ни таъкидлаганлар ҳам бўлган.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, кўпгина совет ҳуқуқи олимлари ва шу таъсирдаги олимлар маъмурий процессни кенг маънода тушунишни илгари суришади [27]. Бунинг асосий сабаби шундаки, совет маъмурий ҳуқуқида юқорида таъкидлаганидек, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат бошқаруви органларининг турли суиистеъмолдан ҳимоя қилиш асосида тузилмагандан келиб чиқади дейиш мумкин. Давлат бошқаруви органлари ва фуқаро ўртасида манфаатлар тўқнашуви ва низо бўлиши мумкинлиги инкор этилар экан, маъмурий процессни кенг маънода тушунишнинг ўзи етарли бўлади. Бунда маъмурий процедураларни ҳам, маъмурий суд иш юритувини ҳам маъмурий ҳуқуқнинг алоҳида, мустақил институти сифатида тавсифлашга эҳтиёж сезилмайди [28].

Бироқ, 1977 йилги СССР Конституциясининг 58-моддаси асосида давлат бошқаруви органлари мансабдор шахслари хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг киритилиши муносабати билан маъмурий процессни тушунишда мутлақо янги ёндашувлар юзага кела бошлашини кўриш мумкин. Жумладан, маъмурий процессни тор маънода, яъни фуқаролик ва жиноят процесси сингари маъмурий суд ишларини юритиш мазмунида тушуниш лозимлиги тўғрисидаги илмий қарашлар тобора кучайиб борди.

Жумладан, Н. Г. Салишева маъмурий процесс деганда ўзаро хизмат бўйсунуви муносабатларида бўлмаган маъмурий-ҳуқуқий муносабат тарафлари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қилиш ҳамда маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ, қонун билан белгиланган (регламентланган) фаолият дея таърифлайди[29].

В. С. Аракчеевнинг таъкидлашича, процедура ҳокимиятнинг бошқарув органлари фаолиятини ўзида акс эттиради ва тартибга солиш (регулятив) моддий-ҳуқуқий меъёрларнинг амалга ошишига асосланади. Процесс эса қўриқловчи моддий меъёрларнинг амалга оширилишини таъминлайди ва қўриқлаш функциясини амалга ошишига йўналтирилган бўлади[30].

Аммо бундай фикрларнинг ўзи биз тадқиқ этаётган маъмурий процедуралар институти совет ҳуқуқида бўлган ёки бўлмаганини келтириб чиқармайди. Масаланинг туб моҳияти шундаки, маъмурий процедуралар бу жазолаш характерига эмас, балки ижобий (позитив) характерга эга бўлган, маъмурий органларнинг маъмурий соҳадаги тартибга солиш нормаларининг амалга оширилишига қаратилган фаолияти ҳисобланади. Маъмурий процедуралар хусусий мулк, тadbиркорлик ва бозор иқтисодиётига асосланган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доирасида кўпроқ ривож топади. Барча иқтисодий муносабатлар давлат томонидан амалга ошириладиган тизимда маъмурий процедураларнинг ривожланиши жуда қийин. Гарчи баъзи совет олимлари (Д. Н. Бахрах) худди шунга яқин фикрларни билдирган бўлса-да[31], аммо амалда совет давлатида хусусий мулк, тadbиркорлик ва бозор иқтисодиётига асосланган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўлмагани, шунингдек маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқий давлат, давлат ҳокимиятининг ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига асосланиши ҳамда фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатланиши каби энг муҳим асослари ҳам рад этилгани том маънодаги маъмурий процедураларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланишига йўл қўймаган. Чунки маъмурий процедуралар маъмурий органларнинг фуқароларга нисбатан амалга оширадиган маъмурий-ҳуқуқий фаолияти негизда мавжуд бўлади. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган маъмурий жараёни маъмурий процедуралар деб аташ мушкул. Шунинг учун ҳам юқорида гувоҳи бўлганимиздек, маъмурий процесснинг мазмун-моҳияти барча ижро-фармойиш фаолияти тарзида жуда кенг талқин этилган ёки маъмурий жавобгарлик доирасида қўриб чиқилган.

Шундай бўлсада, баъзи социалистик давлатларда маъмурий процедураларга яқин қонунчилик мавжуд бўлганини ҳам эътироф этиш лозим. Мисол учун, 1957 йилда Венгрияда Умумий маъмурий процесс тўғрисидаги қонун, 1970 йилда эса Болгария Халқ Республикасида ҳам маъмурий актларни қабул қилишга оид иш юритув тўғрисидаги боғга эга бўлган Маъмурий иш юритув тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди[32].

Совет олимлари ўртасида ҳам XX аср 80 йилларининг охирига келиб маъмурий процедураларга оид илк комплекс тадқиқотлар амалга оширила бошланди[33].

Юқорида совет ҳуқуқида маъмурий процедуралар қандай маъно-мазмунда кўриб чиқилгани тўғрисидаги назарий фикрларга тўхталиб ўтдик. Мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, совет маъмурий ҳуқуқида замонавий маъно-мазмундаги маъмурий процедуралар институти ўз ифодасини топмаган эди. Маъмурий процедуралар ҳақида гап борганда асосан маъмурий процесс деган умумий тушунча асосида давлат бошқарувида ижро-фармойиш берувчи органларнинг барча

фаолиятининг маълум бир нормалар билан тартибга солиниши назарда тутилган. Совет маъмурий ҳуқуқининг юқорида келтирилган бундай илмий қарашлари албатта Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ҳам маълум бир маънода ўзининг таъсирини сақлаб қолган[34].

Иқтибослар/Сноски/Reference:

1. Изоҳ: ҳуқуқий давлат буржуа давлатларидаги босим ўтказишнинг бир воситаси сифатида кўрилган ҳамда совет давлати ва ҳуқуқида рад этилган. См.: Пашуканис Е. Б. Избранные произведения по общей теории права и государства. Издательство "Наука" - Москва, 1980 г. - С. 138, 141.; См.: Пашуканис Е. Б. Общая теория права и марксизм. Издательство Коммунистической Академии. 1927 г. - С. 93-96. (See: Pashukanis E.B. Selected scientific works on general theory of law and state. Nauka. - Moscow, 1980. - P. 138, 141.; See: Pashukanis E.B. General theory of law and marksizm. Communistic Academy. 1927. - P.93-96.)

Изоҳ: қайта қуриш (перестройка) даврида ҳуқуқий давлат қайта тан олина бошланди. Қаранг: Oda Hiroshi. "The emergence of pravovoye gosudarstvo (Rechtsstaat) in Russia." Review of Central and East European Law 3 (1999). - P. 412-416).

2. Изоҳ: совет давлатида ҳуқуқий давлат ҳам тан олинмаган. Бунинг сабаби шундаки, совет давлатида давлат ҳокимияти пролетариат диктатураси ҳамда ҳамма фуқароларнинг давлати гоёлари асосида ҳокимиятнинг ягоналиги ва демократик централизм тамойилига асосланган. См.: Елистратов А.И. Административное право. Ред. Д.Магеровского. Основы советского права. Гос.изд-во Москва, 1929 г. - С. 92-94. (See: Elistratov A. I. Administrative Law. // Basis of soviet law. Moscow, 1929. - P.92-94.)

3. Изоҳ: совет давлатида фуқаролар субъектив ҳуқуқларининг ҳуқуқий қафолатланиши шаклий ҳуқуқий қафолат (нормалар) аҳамиятсиз деб кўрилган ва бунинг ўрнига фуқароларнинг моддий (материал) таъминотига кўпроқ эътибор берилган. См.: Пашуканис Е. Б. Избранные произведения по общей теории права и государства. Издательство "Наука" - Москва, 1980 г. - С. 184. (See: Pashukanis E.B. Selected scientific works on general theory of law and state. Nauka. - Moscow, 1980. - P. 184.)

Изоҳ: Малицкийнинг таъкидлашича, совет ҳуқуқида индивидуал ҳуқуқлар Фарбдаги каби асосий принцип даражасига кўтарилмаган. Чунки совет давлатида коллективизм гоёси кучли. Бошқа тарафдан, давлат ҳокимияти ягона партия томонидан бошқариладиган ягона синф қўлида бўлгани туфайли ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни шакллантиришга ҳеч қандай эҳтиж мавжуд эмас деб қаралган. См.: Малицкий А. Основные черты хозяйственного права. Трансформация понятия собственности. - М., 1924. - С. 103. (See: Malitskiy A. Basic aspects of business law. Transformation of definition of property. - M., 1924. - P. 103.)

4. Мисол учун, См.: Боннер А.Т. Применение нормативных актов в гражданском процессе. Дисс. ...докт. юрид. наук. - Москва, 1980 г. - С. 164. (For example: See: Bonner A.T. Application of normative acts in civil process. Diss. □Doct.legal.science. -Moscow, 1980. - P.164.)

5. Изоҳ: Мисол учун қайта қуриш (перестройка) даврига келиб ҳуқуқий давлат қайта тан олина бошланиши, фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг тан олина бошланиши шулар жумласидандир. See.: Nematov J. Legal problems of the judicial review on public administration in the Uzbekistan (1) - a comparative study in judicial review on public administration in the former Soviet Union - Nagoya University Journal of Law and politics № 259 (December 2014) - P. 254-259.

6. Пуделька Й. Право административных процедур и административно-процессуальное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния. // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. - М.: Инфотропик Медиа, 2015. -С. 41.; Пуделька Й., Дeppe Й. Общее административное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния. // Ежегодник публичного права - 2014: "Административное право: сравнительно-правовые подходы". - М.: Инфотропик Медиа, 2014. - С. 3. (See: Pudelka J. Law of administrative procedures and administrative process law in the Central Asian countries - a brief analysis of contemporary situation. // Yearbook of Public law 2015: Administrative process. M.: Infotropic Media, 2015. P. 41.; See: Pudelka J., Deppe J. General administrative law in Central Asian countries - brief analysis of contemporary situation.// Yearbook of Public law 2014. Administrative law: comparative legal approach. M.: Infotropic Media, 2014. - P. 3.)

7. Бу ҳақида қаранг.: См.: Сиренко В.Ф. Проблема интереса в государственном управлении. "НАУКОВА ДУМКА" - Киев, 1980 г. - С. 32-34, 48-50, 54-55, 65-87.; См.: Салишева Н. Г. Административный процесс в СССР. Изд. "Юридическая литература", - Москва, 1964 г. - С. 157. (Sirenko V. F. Problem of interest in the state governance. Naukova Dumka. - Kiev, 1980. - P. 32-34, 48-50, 54-55, 65-87.; See: Salisheva N.G. Administrative process at USSR. Yuridicheskaya literature. - Moscow, 1964. - P. 157.)

8. Изоҳ: Шунинг учун ҳам маъмурий процесс ҳақидаги назарий қарашлар ривожланиши анча мушкул бўлган. Қаранг.: Никольская А. А. Административные процедуры в системе публичного управления (проблемы административно-правового регулирования). Дисс. ...канд. юрид. наук. - Воронеж., 2007. - С. 6. (See: Nikolskaya A. A. Administrative procedures in the system of public governance. Diss. □Cand.legal.sciences. - Voronej., 2007. - P.6.)

9. Студеникин С. С. Социалистическая система государственного управления и вопрос о предмете советского административного права // Вопросы советского административного права. - М., 1949. - С. 44. (See: Studenikin S.S. Socialist system of state governance and subject of soviet administrative law// Questions of soviet administrative law. - M., 1949. - P. 44.)

10. Петров Г. И. Место административного права в системе советского права. // Советское государство и право. - 1975 № 1. - С. 28-35. (Petrov G.I. Position of administrative law in the system of soviet law// Soviet State and Law. - 1975 № 1. - P. 28-35.)

11. См.: Сорокин В. Д. Советское административно-процессуальное право: Учебн.мет.пособие. /В.Д.Сорокин. - Л., 1976. - С. 22.; Сорокин В. Д. Административно-процессуальное право. /В.Д.Сорокин. - Санкт-Петербург., 2004. - С. 346-355.; Сорокин В. Д. Проблемы административного процесса. - М.: Юридическая литература, 1968. - С. 71-72. (Sorokin V.D. Soviet administrative-process law. - L., 1976. - P.22.; Sorokin V.D. Soviet administrative-process law. - Saint-Petersburg., 2004. - P.346-355.; Sorokin V.D. Problems of administrative-process law. - M., 1968. - P.71-72.)

12. См.: Манохин В. Д. Органы советского государственного управления. - Саратов, 1962. - С. 44-45. (Manoxin V.D. Agencies of soviet state governance. - Saratov, 1962. P. 44-45.)

13. Бахрах Д. Н. Советское законодательство об административной ответственности. - Пермь, 1969. - С. 276.(Бахрах D.N. Soviet legislation on administrative responsibility. - Perm. 1969. - P. 276.)

14. Лунев А. Е. Вопросы административного процесса // Правоведение. - 1962. № 2. - С. 43-51.; Алексеев С. С. Общие теоретические проблемы системы советского права. - М., 1961. - С. 139.; Ўхшаш фикрни А. П. Корнев ҳам билдирган. См.: Корнев А. П. Кодификация советского административного права. - М., 1970. - С. 67-68. (Lunev A.E. Questions of administrative process// Jurisprudence. - 1962. № 2. - P. 43-51.; Alekseev.S.S. General theoretical problems of the system of soviet law. - M., 1961. - P. 139.; Korenev A.P. Codification of soviet administrative law. - M., 1970. - P. 67-68.)

15. Евтихий И. И. Виды и формы административной деятельности. Дисс. ...докт. юрид. наук. -М., 1948. (Evtixev I.I. Types and forms of administrative activities. Diss. □Doct. legal. sciences. - M., 1948.)

16. Самойленко А. В. Административные штрафы милиции как средство охраны советского правопорядка. Автореф. дисс. □канд. юрид. наук. - Киев, 1971. - С.7. (See: Samoylenko A.V. Administrative fines of the police as a means of guarding the Soviet law and order. Abstract.diss. □Doct. legal. sciences. - Kiev, 1971. - P. 7.)

17. См.: Лунев А.Е. Вопросы административного процесса. - "Правоведение", 1962; Петров Г.И. О кодификации советского административного права. // Советское государство и право. 1962 (Вопросы формирования). - Саратов, 1962; Корнев А.П. Вопросы административного процесса в деятельности органов милиции. - "Труды Высшей школы МООП РСФСР", - 1963 № 8; Салишева Н. Г. Административный процесс в СССР. "Юридическая литература", 1964; Сорокин В. Д. Проблемы административного процесса, "Юридическая литература", 1968; Сорокин В. Д. Административно-процессуальные отношения. Изд-во ЛГУ, 1968; Сорокин В. Д. Вопросы теории советского административно-процессуального права. Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. - Л., 1968; Салишева Н. Г. Гражданин и административная юрисдикция в СССР. "Наука", 1970. (Lunev A.E. Administrative process issues. - "Jurisprudence", 1962; Petrov G.I. On the codification of Soviet administrative law. // Soviet state and law. 1962 (Formation issues). - Saratov, 1962; Korenev A.P. Questions of the administrative process in the activities of the police. - "Proceedings of the Higher School of the MOOP RSFSR", - 1963 No. 8; Salisheva N.G. Administrative process in the USSR. "Legal literature", 1964; V.D. Sorokin. Problems of the administrative process, "Legal literature", 1968; Sorokin V.D. Administrative procedure relations. Publishing house of Leningrad State University, 1968; Sorokin V. D. Issues of the Theory of Soviet Administrative Procedure Law. Author. diss. ... Doct. legal sciences. - L., 1968; NG Salisheva. Citizen and

Administrative Jurisdiction in the USSR. "Science", 1970.)

18. Мисол учун, См.: Салишева Н. Г. Административный процесс в СССР. "Юридическая литература", 1964 г. - С. 16; Иванов О. В. Рецензия на книгу Н.Г.Салишевой Административный процесс в СССР. - "Труды Иркутского государственного университета". Т. XXXIV.Серия юридическая. Вып.7, 1965. - С. 256. (Salisheva N.G Administrative process in the USSR. "Legal literature", 1964 - P. 16; Ivanov O.V. Book Review: N.G. Salisheva. Administrative Process in the USSR - "Proceedings of the Irkutsk State University". Т. XXXIV.Seriya legal. Issue 7, 1965. - P. 256.)

Изоҳ: Ушбу ўринда шунинг ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, Н. Г. Салишева маъмурий процессни асосан юрисдикцион фаолият контекстида таҳлил қилганининг сабаби сифатида бошқарув органларида ижро ва фармойиш бериш фаолиятидаги тарафлар ўртасида юзага келадиган низолар юзасидан кўриладиган ишлар сони камлигини ва бу эса маъмурий процессни асосан юрисдикцион фаолият контекстида кўриб чиқишни тақозо этишини билдирган. См.: Салишева Н. Г. Административный процесс в СССР. "Юридическая литература", 1964 г. - С. 11. (Salisheva N.G Administrative process in the USSR. "Legal literature", 1964 - p. 11.)

19. Мисол учун, См.: Горшенев В. М. Функции и содержание норм процессуального права по советскому законодательству. - В кн.: Проблемы правоуедения. Новосибирск, 1967. - С. 21-22. (Gorshenev V.M. Functions and content of the norms of procedural law on the Soviet law. - In the book: Problems of Jurisprudence. Novosibirsk, 1967. - P. 21-22.)

Изоҳ: Ўз фикрини асослаб туриб, В. М. Горшенев совет ҳуқуқида ижро-фармойиш берувчи органларнинг ишини фақат маъмурий жавобгарликдан иборат деб айтиш ва бу органларнинг қолган фаолиятида маъмурий ҳуқуқнинг процессуал нормалари ишламаслигини илгари суриш нотўғри илмий қараш эканлигини айтиб туриб, ўз фикрига асос (мисол) сифатида, 1968 йил 12 апрелда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида (Указ Президиума Верховного Совета СССР от 12 апреля 1968 года "О порядке рассмотрения предложений, заявлений и жалоб граждан") келтирилган маъмурий-процессуал нормаларнинг аҳамияти ва кўлами кенглигини келтириб ўтади. (See: Decree of the Presidium of the Supreme Soviet of the USSR of April 12, 1968 "On the order of consideration of proposals, statements and complaints of citizens")

20. См.: Ключниченко А. П. Производство по делам о мелком хулиганстве. - Киев, 1970. - С. 30. (Klyushnichenko A.P. Proceedings on cases of disorderly conduct. - Kiev, 1970. - P. 30.)

21. В. Д. Сорокин, М. И. Пискотин ва бошқа совет олимларининг маъмурий процесс ҳақидаги илмий баҳси тўғрисида қаранг: См.: Советское государство и право. - 1963 № 1. - С. 130-131. (Soviet state and law. - 1963 № 1. - P. 130-131.)

22. См.: Якуба О. М. Административная ответственность по советскому праву в свете дальнейшего усиления охраны прав личности. Автореф. дисс. ...докт. юрид. наук. - Харьков, 1964. - С. 25. (Yakuba O.M. Administrative responsibility under Soviet law in the light of further strengthening the protection of individual rights. Abstract. diss. ... Doct. legal sciences. - Kharkov, 1964. - P. 25.)

23. См.: Студеникин С. С. Социалистическая система государственного управления и вопрос о предмете советского административного права. - В кн.: Вопросы советского административного права. - М., изд-во АН СССР, 1949. - С. 44. (Studenikin S.S. Socialist system of government and the question of the subject of Soviet administrative law. - In the book: Issues of Soviet administrative law. - M., publishing house of the Academy of Sciences of the USSR, 1949. - P. 44.)

24. См.: Петров Г. И. О кодификации советского административного права. // Советское государство и право. - 1962 № 5. - С. 30. (Petrov G.I. On the codification of Soviet administrative law. / / Soviet state and law. - 1962 № 5. - P. 30.)

25. См.: Манохин В. М. Органы советского государственного управления. (Вопросы формирования). - Саратов, 1962. - С. 44-45. (Manohin V. M. Organs of the Soviet public administration. (Formation issues). - Saratov, 1962. - P. 44-45.)

26. А. Е. Лунев, Ц. А. Ямпольскаянинг маъмурий процесс ҳақидаги илмий баҳси тўғрисида қаранг: См.: Советское государство и право. - 1963 № 1. - С. 130-131.; См.: Попова В. И. Теоретические вопросы систематизации советского административного законодательства. - В кн.: Теоретические вопросы систематизации советского законодательства. - М., "Юридическая литература", 1962. - С. 297.; См.: Советское административное право. Методы и формы государственного управления. - М., "Юридическая литература", 1977. - С. 280-295. (Soviet state and law. - 1963 № 1. - P. 130-131. ; See: V.I. Popova. Theoretical Issues of Systematization of Soviet Administrative Legislation. - In book: Theoretical questions of systematization of the Soviet legislation. - M., "Legal literature", 1962. - P. 297; See: Soviet administrative law. Methods and forms of government. - M., "Legal literature", 1977. - P. 280-295.)

27. Горшенев В. М. Способы и организационные формы правового регулирования в социалистическом обществе. - М.: Юридическая литература 1972. - С. 219-221.; Юридическая процессуальная форма: Теория и практика/ Под ред. П.Е.Недбайло, В.М.Горшенева. М., 1976. - С. 9.; Сухарева Н. В. О состоянии административного процессуального законодательства в РФ// Юрист. 2001. № 6. - С. 36.; См.: Ефремов М. О. Административные процедуры как форма реализации компетенции органов публичной власти во взаимоотношениях с частными лицами. Дисс. ...канд. юрид. наук. - М., 2005. - С. 44. (Gorshenev V.M. Methods and organizational forms of legal regulation in a socialist society. - M.: Legal literature 1972. - P. 219-221.; Legal procedural form: Theory and practice / Ed. P.E. Nedbaylo, V.M.Gorsheneva. M., 1976. - P. 9; Sukhareva N. V. On the state of administrative procedural legislation in the Russian Federation // Lawyer. 2001. No. 6. - P. 36.; See: M. O. Efremov. Administrative procedures as a form of realization of the competence of public authorities in relations with individuals. Diss. ... Cand. legal sciences. - M., 2005. - P. 44.)

28. Изох: бу тўғрида С. З. Женетель ҳам маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳоқимият фаолиятини тартибга солишга ва фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини маъмуриятнинг суиистеъмолидан ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги билан тавсифланишини таъкидлаб ўтганини кўриш мумкин. См.: Женетель С. З. Административный процесс и административные процедуры в условиях административной реформы. Дисс. ...докт. юрид. наук. - М., 2008. - С. 87. (Genetel S. Z. Administrative process and administrative procedures in the context of administrative reform. Diss. ... Dr. legal sciences. - M., 2008. - P. 87.)

29. Салишева Н. Г. Административный процесс в СССР. - М., 1964. - С. 16. (Salisheva NG Administrative process in the USSR. - M., 1964. - P. 16.)

30. См.: Аракчеев В. С. Процедурно-правовые нормы: понятие и значение в регулировании трудовых отношений. Автореф. дисс. □канд. юрид. наук. - Томск, 1981. - С. 3. (Arakcheev V. S. Procedural and legal norms: the concept and meaning in the regulation of labor relations. Abstract. diss. ... Cand. legal sciences. - Tomsk, 1981. - P. 3.)

31. См.: Бахрах Д. Н. Советское законодательство об административной ответственности. -Пермь, 1969. - С. 267. (Bakhrakh D. N. Soviet legislation on administrative responsibility. -Perm, 1969. - P. 267.)

32. Махина С. Н. Управленческий и административный процессы: проблемы теории и перспективы правового регулирования. Дисс. ...канд. юрид. наук. - Воронеж., 1998. - С. 49-50. (Makhina S. N. Administrative and administrative processes: problems of theory and perspectives of legal regulation. Diss. ... Cand. legal sciences. - Voronezh., 1998. - P. 49-50.)

33. Управленческие процедуры/Отв.ред. Б.М.Лазарев. - М.: Изд-во "Наука", 1988. (Governance procedures / Ed. B.M. Lazarev. - M.: Publishing house "Science", 1988.)

34. 市橋克哉「社会主義國の行政手続法の概要と特色」法律時報65巻6号87-89頁 (Ichihashi Katsuya. General aspects and characteristics of the administrative procedure law of the Socialist states. Houritsujihou 65-6. - P. 87-89.)

**12.00.05 ТРУДОВОЕ ПРАВО.
ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

Исмоилов Шухратжон Абдусаминович,

Тошкент давлат юридик
университети докторанти
E-mail: ismoilov.shuhrat80@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-4>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ
КОДЕКСИНИНГ ЯНГИ ТАХРИРИДА НОГИРОНЛИГИ
БЎЛГАН ШАХСЛАР МЕХНАТИ**

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид муаллифнинг янгича қарашлари ва ёндашувлари ўз аксини топган.

Калиг сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, дифференциация, хусусиятлар, имтиёзлар, кафолатлар, чекловлар, тақиқлар.

Исмоилов Шухратжон Абдусаминович,

Докторант Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: ismoilov.shuhrat80@mail.ru

**ТРУД ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В НОВОЙ РЕДАКЦИИ
ТРУДОВОГО КОДЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Аннотация: в данной статье нашли отражение новые взгляды и подходы автора по совершенствованию правового регулирования труда лиц с инвалидностью в новой редакции Трудового кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: лица с инвалидностью, дифференциация, особенности, льготы, гарантии, ограничения, запреты.

Ismoilov Shukhrat Abdusaminovich,

Doctoral student of the Tashkent
State University of Law
E-mail: ismoilov.shuhrat80@mail.ru

**THE LABOR OF PERSONS WITH DISABILITIES IN NEW
EDITION OF LABOR CODE OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

Abstract: This article reflects the contemporary view and approaches of author to improve the legal regulation of the labor of persons with disabilities in new edition of the Labor code of the Republic of Uzbekistan

Key words: persons with disabilities, differentiation, features, privileges, warranties, restrictions, prohibitions.

2019 №2

For citation: Ismoilov Shukhrat Abdusaminovich. THE LABOR OF PERSONS WITH DISABILITIES IN NEW EDITION OF LABOR CODE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 29-36

Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида "янгилаштиришнинг қайта тўқланиши" бошланди. Бу янгилаштиришлар ислохотларнинг катта ва янги тўқлини билан бирга параллел равишда юз бермоқда. Маъмурий, солиқ, суд-ҳуқуқ, аграр, пул-кредит, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотга оид ислохотлар мамлакатда кўплаб яқин, ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган давлат дастурлари, концепциялари, йўл хариталарининг қабул қилинишига олиб келди. Ушбу ислохотлардан кўзланган пировард мақсад эса тараққиёт ва фаровонликка эришишдир. Бу эса ижтимоий ислохотларга лозим даражада урғу бермасдан амалга оширилиши мумкин эмас. 2019 йилни мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилиниши ҳам ҳар қандай иқтисодий ислохотлар ижтимоий ислохотлар билан бирга кечиши ҳамда халқнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини англаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазирамиз бўлиб қолади[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январь ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ижтимоий ривожланиш соҳаси асосий йўналиш сифатида белгиланган. Хусусан, ушбу Дастурнинг IV бўлими Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари деб номланган бўлиб, унда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (135-банд, 2019 йил 20 декабр) ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (143-банд, 2019 йил 1 июл) янги тахрирларини ишлаб чиқиш назарда тутилган[2].

Ўтган йилларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги тахририни қабул қилишга оид бир неча бор вазирамиз белгиланган бўлишига қарамастан, амалда улар бугунги кунда қадар амалга оширилмаган ва бунинг жуда кўп объектив сабаблари мавжуд. Бироқ ҳозирда ушбу масалани амалга оширишга жуда яқин келинди, деб айтиш мумкин. Чунки инвесторлар, аввало, иш берувчи эканлигини инобатга олсак, "ҳодим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ифодалайдиган қоидалар"ни Кодекста ифодалаш талаб этилмоқда. Бундан ташқари ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш янги тахрирдаги Кодекснинг олдида турган асосий вазирамиз ҳисобланади.

Меҳнат қонунчилигини ислох этиш ва унда ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган ҳодимлар тоифаларининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга оид турли ёндашувлар кузатилади. Буни ҳуқуқ тизими ва тузилиши яқин бўлган МДҲ давлатлари тажрибасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

МДХ давлатлари тажрибасини кўрайдиган бўлсак, уларнинг айримларида ногиронлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларига бағишланган махсус боблар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг 21-боби (1999 й.), Қирғизистон Республикаси Меҳнат кодексининг 25-боби (2004 й.), Туркменистон Республикаси Меҳнат кодексининг 13-бўлим 4-боби (2009), Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 24-боби (2016 й.) да ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари махсус ва тизимли равишда ҳуқуқий тартибга солинган. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси (1995 й.), Россия Федерацияси (2001 й.), Қозоғистон Республикаси (2015 й.), меҳнат кодексларида ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш махсус бобда эмас, балки турли моддаларда тарқоқ ҳолда амалга оширилган.

Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг Ноғиронлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари деб номланувчи 21-бобида ногиронларни меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш (283-м.), ногиронлар меҳнатини қўлловчилар учун афзаллик ва кафолатлар (284-м.), мазкур корхонада ногирон бўлган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича ёлловчиларнинг мажбуриятлари (285-м.), ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослашган ташкилотлар, цехлар ва участкаларни барпо этиш (286-м.), ногиронларнинг меҳнат ва дам олиш шартлари (287-м.), ногиронларни ижтимоий таъминлаш бўйича ёлловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (288-м.)га оид қоидалар мустақамланган[3].

Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 24-боби (Ноғиронлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари) ногиронлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларига бағишланган. Мазкур бобда ногиронларни меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш (258-м.), ногирон-ходимлар меҳнатининг шарт-шароитлари (259-м.), ногиронларнинг қисқартирилган иш вақти муддати (260-м.), ногирон-ходимлар учун иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллашнинг чекланганлиги (261-м.), ногирон-ходимларни тунги вақтларда, иш вақтидан ташқари ишлашга, дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунлари ишлашга, хизмат сафарига юборишга чекловлар (262-м.), ногирон-ходимга йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини бериш (263-м.) бўйича махсус нормалар ўз аксини топган[4].

Қирғизистон Республикасининг Меҳнат кодексида ҳам соғлиғига кўра имконияти чекланган шахслар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларига махсус боб (25-боб) бағишланган. Мазкур бобда соғлиғига кўра имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш (313-м.), ушбу шахслар учун иш жойларини квоталаш (314-м.), уларни ишга жойлаштириш (315-м.), бундай шахсларни ишга қабул қилишда тақдим этиладиган қўшимча кафолатлар (316-м.), соғлиғига кўра имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат ва дам олиш шартлари, кафолатлари (317-м.), мазкур шахслар учун бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилишда бериладиган қўшимча кафолатлар (318-м.), мазкур корхонада ногирон бўлган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ижтимоий таъминоти (319-м.), ушбу тоифадаги ходимлар меҳнатини қўлловчи иш берувчилар учун имтиёзлар ва афзалликлар (320-м.) ўз аксини топган[5].

Юқорида таъкидланганидек, ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари Россия Федерацияси (РФ) Меҳнат кодексида ҳам ўз аксини топмаган. Чунончи, Кодексда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳи

сифатида ногиронларнинг меҳнاتини ҳуқуқий тартибга солиш аниқлаштирилмаган. Шарҳланаётган модданинг асосий қоидаларини амалга ошириш (таъкид муаллифники, РФ МК Меҳнатни тартибга солиш хусусиятларини белгилаш асослари ва тартиби номли 252-модда) меҳнат ҳуқуқининг махсус субъекти бўлган ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш жуда долзарб ҳисобланади. Ногиронларни меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият яратишнинг ҳуқуқий воситаларидан бири бўлиб, уларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишни дифференциациялаш ҳисобланади. Дифференциация ҳам объектив, ҳам субъектга оид асослар бўйича ўтказилади. Объектив дифференциация ногиронлар ишлаши мумкин бўлган меҳнат фаолияти шакллари ташкил этишда намоён бўлади (масалан, касаначилик, касофавий меҳнат). Субъектга оид дифференциация эса шундоқ ҳам ногиронлик оқибатида соғлиги бузилган ходимлар меҳнат фаолиятини зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган чораларни қабул қилиш билан амалга оширилади. Меҳнат кодексининг XII бўлимида ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга махсус бағишланган боб ёки моддалар мавжуд эмас. Ногиронлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар РФ Меҳнат кодексининг олдинги бўлиmlарнда ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. РФ МКда ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг дифференциациясига бағишланган махсус бобнинг мавжуд эмаслиги Россия томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлардан келиб чиқадиган ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатланганлиги умумий даражасига салбий таъсир қилади. Ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишдаги тизимлиликни таъминлаш ва ҳуқуқни қўллашни соддалаштириш мақсадида XII бўлимга бундай бобни киритиш лозим[6].

Худди шундай манзарани Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳам кўриш мумкин, яъни ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини ўзида жамлаган махсус боб мавжуд эмас. Ҳатто, Меҳнат кодексининг "Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар" номли 14-бобда ҳам ногиронлар айрим тоифадаги ходимлар сифатида эътироф этилмаган. Шунга қарамадан Меҳнат кодексининг турли моддаларида ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалар мустақамланган. Хусусан, Меҳнат кодекси 6-модда (Меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши)сининг 2-қисмида белгиланишича, "Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида гамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди". Мазкур модда бевосита меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг дифференциациясига алоқадор ҳисобланади. Чунки ушбу моддада белгиланган қоидалар, аввало, махсус нормаларнинг мавжуд бўлишини эътироф этса, иккинчидан, нормалар ўртасидаги фарқлар меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар меҳнатини тартибга солишда махсус нормаларнинг бўлишини бошқа ходимларнинг ҳуқуқларини бузиш сифатида қаралмаслигига алоҳида ургу бермоқда. Ногиронлар бошқа айрим тоифадаги ходимлар тоифаси бўлган - аёллар ва вояга етмаганлар каби давлатнинг юқори ижтимоий ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар сифатида эътироф этилмоқда. Шунга қарамадан, Меҳнат кодексининг 14-бобда аёллар

ва ёшларга қўшимча кафолатлар махсус бобда баён қилинган бўлиб, мазкур бобда ногиронларга нисбатан кафолатлар назарда тутилмаган. Меҳнат кодексининг 52-модда (Жамоа келишувларининг мазмуни)сида жамоа келишувларининг мазмунига киритиладиган асосий масалалар баён этилган бўлиб, улардан бири "ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар" бўлиши қайд этилган. Мазкур модда мазмунидан кўриниб турибдики, ногиронлар учун "қўшимча иш жойлари"ни яратиш корхоналарга имтиёзлар берилишига сабаб бўлади ҳамда уларнинг бошқа ходимлардан ишга жойлашишда муайян фарқларга эга бўлишини кўрсатиб беради. Хусусан, Меҳнат кодексининг 68-моддаси (Аҳолининг айрим тоифалари учун ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатлар)да давлатнинг ногиронларга қўшимча кафолатларни таъминлаши белгиланган. Қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, махсус ўқув дастурларини ташкил этиш, корхоналарга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун минимал иш жойларини белгилаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар орқали таъминланиши мазкур моддада қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасида дастлабки синов белгиланмайдиган ходимлар доирасида "корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар" мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам мазкур ходимлар тоифасига кирсада, минимал иш жойлари ҳисобига ташкил қилинмаган иш жойларига қабул қилинаётган ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан дастлабки синовни қўллаш мумкинлигини билдиради. Ногиронлиги бўлган шахсларга дастлабки синов белгилаш имконини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига "ногиронлиги бўлган шахслар"ни дастлабки синов белгиланмайдиган ходимларнинг айрим тоифаси сифатида эътироф этиш лозим. Мисол учун бундай амалиётни Беларусь ва Тожикистон меҳнат кодексларида(28-моддалари)[7] кўриш мумкин.

Меҳнат кодексининг 103-моддасида технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ кимларга берилиши мустаҳкамланган. Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ, аввало, малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Бироқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда афзаллик бериладиган ходимлар тоифаси кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар ичида уруш ногиронлари ва ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронлар қайд этилган.

Меҳнат кодекси 99-модда (Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш)сининг 4-қисми, 107-модда (Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш)сининг 4-қисмига мувофиқ меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ногиронлик келиб чиқиши сабаби) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши кераклиги ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда шу сабаблар кўрсатилиши ҳақидаги қоидалар ўз аксини топган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 116-модда (Иш вақтининг қисқартирилган муддати)сида I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддати қўлланилиши таъкидланган (220-модданинг учинчи қисми). МКнинг 135-модда (Йиллик узайтирилган асосий таътиллار)сида эса ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ўттиз календарь кундан иборат узайтирилган меҳнат таътили берилиши назарда тутилган. Шунингдек, МКнинг 143-модда (Таътилларни бериш тартиби)сига мувофиқ I ва II гуруҳ ногиронларига таътил уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилиши мумкин. МКнинг 144-модда (Таътиллارни бериш вақти ва навбати)сига мувофиқ эса I ва II гуруҳ ногиронларига таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак, яъни таътиллар жадвалини ишлаб чиқишда албатта ушбу қондани инобатга олиш лозим бўлади. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 150-моддасига кўра ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 190-моддасига асосан ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори белгилаб қўйилган. Бунда зарар ўрнини қоплаш учун тўловларни тайинлашда жабрланувчи олаётган иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди. Бунда меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар - ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан оз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тиббий кўрик деб номланувчи 214-моддасига асосан иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан ногиронларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 220-модда (Ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари)сини ногиронлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари жамланган модда сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур моддага мувофиқ қуйидагилар ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари ҳисобланади:

- иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт. Мазкур модданинг бу ҳақдаги қондалари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда яна ҳам аниқлаштирилган. Хусусан, буларга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни[8], Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июль янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни[9], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги низом[10]ларини келтириб ўтишимиз мумкин. Мисол учун 2008 йил 11 июль янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддасига "Ходимларининг сони

йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди" деб белгилаб қўйилган. Бунда шунини эътиборга олиш лозимки, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун ҳам одатдаги, ҳам махсус иш жойлари яратилиши мумкин.

- ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

- I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайди қисқартирилган муддати белгиланади.

- I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

- Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Шунинг билан бирга бошқа МДХ таркибига кирмайдиган айрим давлатлар меҳнат қонунчилигида ногиронлар меҳнатини тартибга солиш ва унинг хусусиятларини белгилаш бўйича чекланган қоидаларни кўриш мумкин. Хусусан, Грузия Меҳнат кодекси (органик қонун)нинг жами 3 та моддасида имконияти чекланган шахслар билан боғлиқ қоидалар учрайди. Хусусан, Кодекснинг 2-моддасида ногиронларни имконияти чекланганлигига кўра камситишга йўл қўйилиши тақиқланган бўлса, 17 ва 18-моддаларида имконияти чекланган шахсларни иш вақтидан ташқари ва тунги ишларга ишлашга уларнинг розилиги асосида йўл қўйилиши ҳақидаги жуда қисқа қоидалар мустаҳкамланган[11]. Тўғри, бундай ёндашув иш берувчиларга ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий юк (квота учун жой ажратиш, иш вақтини қисқартириш, тўлиқ миқдорда иш ҳақи тўлаш, узайтирилган меҳнат таътилинини бериш, тиббий кўриқдан ўтказиш, ишга жойлаштириш чораларини кўриш каби)нинг иш берувчиларга зиммасига тушишини камайтиради. Бироқ Кодекс имконияти чекланган шахсларга ҳам бошқа ходимлар каби меҳнат шартларини шартнома асосида келишиб ҳал этиш учун умумий қоидалардан фойдаланиш имкониятини истисно этмайди. Айни вақтда ногиронларни қўшимча қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ҳаражатларни давлат бевосита ўз зиммасига олади.

АҚШда ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларига нисбатан турли ижтимоий, ёш ва этник гуруҳдаги ходимлар ўртасидаги фарқ бўйича "дискриминацияни компенсация қилиш (affirmative action)" тушунчаси мавжуд. Умуман шу тоифадаги шахслар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар дискриминацияни компенсация қилишни англатади[12]. Масалан, миллий меҳнат қонунчилигимизда назарда тутилган минимал иш жойларини яратиш америкача дискриминацияни компенсация қилишга тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририга "Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари" номли махсус боб ҳамда айрим тоифадаги ходимлар тоифасига "ногиронлиги бўлган шахслар"ни киритиш лозим деган фикр илгари сурилади.

Агар шундай қилинса ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари ушбу тоифадаги шахсларга ижтимоий-меҳнат соҳасида имтиёзлар ва чеклашларни қўллашни назарда тутувчи қоидаларнинг мантиқий кетма-кетлигини тизимли равишда акс эттиришга имкон беради. Таъкидлаш лозимки, норма ижодкорлигидаги бундай ёндашув ҳозир амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мавжуд бўлган такрорланувчи ва тарқоқ нормаларнинг бартараф этилишини таъминлайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон (The national data base of legislation data, 18.01.2019 y., 06/19/5635/2502)
3. <http://etalonline.by/?type=text®num=НК9900296>
4. Трудовой кодекс Республики Таджикистан. - Душанбе: "Сифат-Офсет", 2018. -С.350-351. (Labor Code of the Republic of Tajikistan. - Dushanbe: Sifat-Ofset, 2018. - P.350-351.)
5. <http://ud.gov.kg/index.php/ru/news/2-uncategorised/108-trudovoj-koдекс-kyrgyzskoj-respubliki>
6. Комментарий к Трудовому кодексу Российской Федерации/Под ред. Э.Г.Тучковой.- 10-е изд., перераб. и доп. - Москва: Проспект, 2018. С.834. (Commentary to the Labor Code of the Russian Federation / Ed. E.G.Tuchkova. - 10th ed., Pererab. and add. - Moscow: Prospectus, 2018. P.834.)
7. http://etalonline.by/?rnpa=#load_text_none_3_; Трудовой кодекс Республики Таджикистан. - Душанбе: "Сифат-Офсет", 2018. -С.235. (Labor Code of the Republic of Tajikistan. - Dushanbe: Sifat-Ofset, 2018. - P.235)
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда.(Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1998, No. 5-6, Article 97.)
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда.(Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2008, No. 29-30, Art. 277)
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон.(National database of legislation data, December 11, 2017, No 09/17/965/0393.)
11. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/1155567>
12. Назметдинов Р.Р. Трудовое право Соединенных Штатов Америки. Дисс...канд.юрид. наук. - М.: 2013. -С.194.(Nazmetdinov R.R. Labor law of United States of America. Diss....cand.jurid.of science. -M.: 2013. -P.194.)

**12.00.07 СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР.
ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.
АДВОКАТУРА**

Комилов Авазбек Бокижонович,

Тадқиқотчи
E-mail: a.komilov88@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-5>

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБА**

Аннотация: мазкур мақолада тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатларнинг қонунчилик ва прокурор назорати амалиёти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти субъекти, прокурор назорати, давлатназорати, текшириш, ваколат, соҳа.

Комилов Авазбек Бокижонович,

Исследователь
E-mail: a.komilov88@mail.ru

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПО ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЕ
ПРАВ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНАМИ ПРОКУРАТУРЫ**

Аннотация: в данной статье анализируется законодательства и практика прокурорского надзора зарубежных стран по обеспечению правовой защиты прав субъектов предпринимательской деятельности.

Ключевые слова: субъект предпринимательской деятельности, прокурорский надзор, государственный надзор, проверка, полномочие, сфера.

Komilov Avazbek Bokijonovich,

Researcher
E-mail: a.komilov88@mail.ru

**FOREIGN EXPERIENCE ON THE LEGAL PROTECTION
OF THE RIGHTS OF THE SUBJECTS OF BUSINESS
ENTITIES BY PROSECUTORIAL BODIES**

Annotation: In this article analyzed the legislation and practice of prosecutorial supervision in foreign countries regarding the legal protection of the subjects of entrepreneurial activity.

Key words: subject of entrepreneurial activity, prosecutorial supervision, state supervision, inspection, powers, sphere.

For citation: Komilov Avazbek Bokijonovich. FOREIGN EXPERIENCE ON THE LEGAL PROTECTION OF THE RIGHTS OF THE SUBJECTS OF BUSINESS ENTITIES BY PROSECUTORIAL BODIES. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 37-45

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси ва эркин ривожланишини таъминлашда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, унинг илгор жиҳатларини миллий қонунчилик ва прокурор назорати амалиётига жорий қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Зеро, хорижий давлатларнинг аксариятида ҳам тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароит яратиш – давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш вазифаси ҳар бир давлатда ушбу органнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб белгиланади ва амалга оширилади. Шу боис, бизнингча, хориж тажрибасини ўрганишга айнан шу жиҳатдан ёндашган маъқулроқ.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Европа давлатларида прокуратура органларининг иккита асосий модели шаклланган. Бунда прокуратуранинг у ёки бу модел доирасига кириши давлатнинг ҳуқуқий тизими ва давлат механизми тузилиши билан аниқланади. Биринчи ҳолатда, прокуратура органлари, авваламбор, жинсий таъқиб ва айблов идораси ҳисобланса, иккинчисида у қонунчилик устидан назорат органи саналади. Биринчи модель прокуратура органларида "умумий назорат" (яъни, қонунчилик ижроси устидан назорат) функциясини тугатишни кўзда тутди. Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Молдова давлатларида прокуратура органлари фаолияти биринчи модель доирасига кирганлиги сабабли, уларда "умумий назорат" функцияси мавжуд эмас. Россия, Беларуссия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон прокуратура органларида қонунлар ижроси устидан назорат функцияси бирламчи ҳисобланади. [1]

Юқоридаги фикрни тадқиқотчи Е.Г.Князева ҳам тасдиқлаб, Фарб давлатларида прокуратура айблов органи сифатида фаолият кўрсатиши, "умумий назорат"ни амалга оширмаслигини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, аксарият мамлакатларда прокуратура мустақил тизим эмас, балки суд ёки ижро ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида кўрилади [2].

Ушбу фикрга баъзи тадқиқотчилар ҳам қўшилиб, прокуратура органларини ижро ҳокимияти (АҚШ, Эстония ва ҳ.к.) ва суд ҳокимияти (Испания, Латвия, Грузия ва ҳ.к.) тизимида фаолият кўрсатиб келаётганлигини қайд этиб ўтишган [3].

Хусусан, Францияда прокуратура судлар таркибида бўлиб, унинг фаолиятига Адлия вазири раҳбарлик қилади. Италия прокуратураси (улар ҳам судлар таркибида фаолият кўрсатади) одил судлов, давлат ҳуқуқлари, юридик шахслар, муомалага лаёқатсизларга доир қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Германияда прокуратура органларининг фаолияти ўзига хос бўлиб, прокуратура полиция хизмати иштирокида айрим жиноят ишларини тергов қилади, аynи пайтда, ушбу орган судлар таркибида фаолият юритади. Англия ва Уэлсда давлат

айбловчилари хизмати жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий функцияси - полиция томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловчини қувватлашдан иборатдир. АҚШ прокуратураси фаолияти эса кўпроқ жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган[2].

Умуман олганда, Ғарб давлатларининг аксариятида прокуратура органлари судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишида иштирок этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жиноят қонунчилиги соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим роль ўйнайди[2].

Ғарб давлатларидан фарқли тарзда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо аксарият мамлакатларда (Россия, Беларуссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) қонунлар ижроси устидан прокурор назорати функцияси сақланиб қолинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Шу ўринда, бизнингча, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш ва уни ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш бўйича Қозоғистон тажрибаси эътиборга молик.

Эътироф этиш жоизки, Қозоғистонда (Ўзбекистондаги каби) тадбиркорлик фаолиятига мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишининг муҳим асоси сифатида доимий эътибор қаратиб келинади. XX асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида мазкур мамлакатда тадбиркорликка нисбатан маъмурий босим хаддан ташқари кучайиб, унинг келгусидаги ривожини сўроқ остида қолган. Шунда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилиб, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Қозоғистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган барча текширувларни прокуратура органларида рўйхатга олиш механизми жорий этилган.

Ўша пайтда, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ҳуқуқий ҳисобга олиш ва статистика қўмитаси таркибида юқоридаги фаолиятга масъул алоҳида бўлинма тузилган.

2002 йилга келиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларини текширишга мораторий эълон қилиниб, мораторий мобайнида тадбиркорларга нисбатан барча текширишлар (қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган текширишлардан ташқари) тақиқланган. Бу жараёнда прокуратура органлари текширишларни рўйхатга олиш механизми орқали мораторийга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириб келганлар. Ушбу мораторий ўзининг ижобий самарасини берганлигини, 2008 йилда унинг қайта эълон қилинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

2000 йилларнинг ўрталарида давлат назорати функцияларини чуқур инвентаризациядан ўтказиб, ўзида тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутувчи ягона қонун қабул қилиш заруративужудга келди. Натижада, 2006 йилнинг январь ойида Парламент томонидан Қозоғистон Республикасининг "Хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган ва айтиш мумкинки, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича илғор янгилликларни ўзида акс эттирган эди.

Жумладан, қонунда давлат органлари томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларида дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш жараёнида тадбиркорларнинг фикрларини ҳисобга олиш механизми қайд этилди.

Бунинг учун, барча давлат органларида тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари аккредитацияланиб, ушбу бирлашмаларнинг экспертхулосаларини олиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишнинг мажбурий шarti этиб қўйилган.

Шунингдек, қонунда хусусий тадбиркорлик фаолиятига оид маълумотлар махфийлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилган. Унга кўра, қайси маълумот тижорат сирига тааллуқли бўлишини тадбиркорнинг ўзи ҳал қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари ташаббуси билан қонунда давлат назоратини амалга ошириш принципи сифатида тадбиркорлик субъектларининг инсофлиги принципи киритилган. Бунда, тадбиркорнинг айбини исботлаш мажбурияти айнан назорат қилувчи органлар зиммасига юклатилган. Қонун қабул қилингунига қадар эса бундай принцип фақат жиноят қонунчилигида назарда тутилган эди.

Шу каби, қонунда тадбиркорлик субъектларида текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, текширувчи ва текширилувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, текширишни тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқариш, уни ваколатли органда рўйхатдан ўтказиш каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Қонунчиликнинг босқичма-босқич такомиллашиб бориши ортидан, Қозоғистон Республикаси прокуратура органларининг тадбиркорликни ҳимоялаш, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратиш борасидаги фаолияти ҳам шаклланиб, такомиллашиб борди. Тадбиркорликни

қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши Қозоғистон Республикаси прокуратура органларининг олтита долзарб йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати - прокуратура органлари тадбиркорларнинг ўзлари томонидан ҳам қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, текширишлар ўтказиш (ваколатли назорат органлардан мутахассислар жалб этган ҳолда) ҳуқуқига эга. Бироқ, хусусий секторни текширишга рухсат қуйи турувчи прокурорларга фақат Бош прокуратура томонидан берилади ва бундай рухсатга эга бўлмасдан туриб, қуйи турувчи прокурор текшириш ўтказишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Бош прокуратура билан келишмасдан туриб, хусусий сектор манфаатларини кўзлаб, прокурорларнинг даъво қўзғатиши ман этилади (коррупция билан боғлиқ ҳолатлар юзага келишини олдини олиш мақсадида).

Бундан ташқари, қонунчилик жараёнининг такомиллашиб бориши натижасида, прокурорларда давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашни янада кучайтириш имконини берувчи янгидан-янги ваколатлар вужудга келди.

Хусусан, прокурорларнинг тадбиркорликка ноқонуний босим кўрсатилишининг олдини олишга қаратилган бундай воситаларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тадбиркорларнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш бўйича сўровларига ва мулкка тақиқ қўйилишига санкция бериши ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларини олганларидан сўнг (қўзғатилган жиноят ишларидан ташқари), улардан прокурор санкцияси олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар худудий прокурорларга тегишли санкция берилишини сўраб мурожаат этадилар, бунда шуни таъкидлаш лозимки, улар тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли

маълумотни олишга бўлган заруратни асослаб беришлари лозим бўлади. Худди шундай, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш ва банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳам прокурор санкциясига асосан амалга оширилади. [4]

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси "Банк сири тўғрисида" ги Қонунининг 9-моддасига асосан, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонунининг 42-моддасига асосан, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси фақат суд тартибида қўлланилади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қонунчиликка юқоридаги нормаларнинг киритилиши мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлардан ҳимоялашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Жамоат бирлашмалари ҳам қонунчиликдаги ушбу ўзгаришларни ижобий баҳолашмоқда [4].

Бу йўналишдаги прокурор назоратининг илгор жиҳатларидан яна бири - тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган барча тоифадаги текширишларнинг прокуратура органларида рўйхатга олиниши бўлиб, бу текширувларни тартибга солиш ва тадбиркорларда ҳуқуқий саводхонликнинг ўсишига катта туртки бўлиб хизмат қилган. Сабаби, амалдаги қонунчилик талабларидан хабардор тадбиркорлар назорат органлари вакиллари текшириш ваколатли органда рўйхатдан ўтган бўлсагина, ўз фаолиятини текширишга йўл қўядилар.

Ўзбекистонда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.1996 йилдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида" ги ПФ-1503-сон Фармониغا асосан, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш ваколати Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига берилган эди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, амалда бу тизим ўзини тўла оқламади. Оқибатда, 2018 йил июль ойига келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2018 йилдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5490-сонли Фармониغا асосан, 2018 йил 1 сентябрдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланди [5].

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси прокуратура органларида ишонч телефонларига катта эътибор қаратилиб, уларнинг мунтазам равишда ишлаб туриши таъминланади. Тадбиркорлар ишонч телефонларига махфий (конфиденциал) тарзда мурожаат этишлари мумкин бўлиб, бу мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатлари ҳақида прокуратура органларини тезкор хабардор қилиш имконини беради.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш ва уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда Россия Федерациясининг тажрибасини ўрганиш ҳам зарар қилмайди.

Чунончи, "МДХ мамлакатлари ичида Россия Федерациясида тадбиркорлар учун алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизими шаклланиш жараёни яққол сезилмоқда. Тадбиркорларга нисбатан алоҳида давлат сиёсати юритилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик бизнес субъектлари устидан давлат назоратининг мўътадил тизими яратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. "Опоры России" ташкилоти маълумотларига кўра, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз пул тушумларининг 6 фоизини текширув - назоратчиларнинг кўнглини юмшатиш учун гайриқонуний тўловлар сифатида ишлатганлар. Шу сабабли, 2009 йилда режали текширувларга нисбатан мораторий эълон қилингани изоҳ талаб этмайди.

Россия Федерациясида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мувофиқлаштирувчи идора сифатида (Ўзбекистонда бу вазифани адлия органлари бажариб келган) прокуратура органлари белгиланди. Ҳар қандай режадан ташқари текширувлар фақат прокуратура рухсати билангина йўл қўйилади." [6].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Россия Федерациясида ҳам прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоялаш борасидаги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди.

Чунончи, Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2012 йил 24 майда "Федерал қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат бошқармасини ташкил этиш тўғрисида"ги 48-сонли буйруғига асосан, Бош прокуратурада махсус бошқарма тузилиб, унга тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тизимли ва профессионал асосда ишларни олиб бориш ваколати берилди. Бошқарма таркибига иккита: тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва контроль органлари текширишлари қонунийлиги устидан назорат бўлимлари фаолият кўрсатади.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш вазифаси Бош прокуратуранинг солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасига юклатилган.

Федерал қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат бошқармасининг асосий вазифалари сифатида:

- прокурор назорати услублари орқали иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш;
- давлат ва муниципал органлар томонидан маъмурий босимни камайтириш;
- ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш;
- тезкор огоҳлантириш ва тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилишини олдини олиш кабилар белгиланган [7].

Россия Федерациясининг тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш ва унинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш (жумладан, прокуратура органларининг) соҳасидаги илғор тажрибаси ҳақида гапирганда, аввало, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилганлигини ҳам қайд этиш ўринли бўлади.

Хусусан, "Россия Федерациясида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида", "Давлат контроли (назорати) ва муниципал контролни амалга оширишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Федерал қонунлар, Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2008 йил 31 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида"ги 53-сон, 2009 йил 27 мартдаги "Давлат контроли (назорати) ва муниципал контролни амалга оширишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Федерал қонунини амалга ошириш тўғрисида"ги 93-сонли буйруқлари шулар жумласидандир.

Мисол учун, Россия Федерацияси Бош прокурорининг юқорида қайд этилган 93-сонли буйруғи 1.8-бандида, прокуратура органларининг эътибори давлат контроли (назорати), муниципал контролни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг бузилишига доир ахборотлар, жумладан, оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари маълумотларининг тизимли равишда йиғилиши, сақланиши ва қайта ишлаб борилиши лозимлигига қаратилган.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришдаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган энг асосий мақсад эса тадбиркорлар ҳуқуқларини янада самарали ва тўлақонли ҳимоялаш ҳисобланади.

Жумладан, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан "Атамекен иттифоқи" Қозоғистон миллий иқтисодий палатаси ва "Тадбиркорлар Форуми" ассоциацияси ўртасида тегишли меморандумлар имзоланган. Шу каби, меморандумлар қўйи турувчи прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳудудий ассоциациялари билан ҳам тузилган. Бугунги кунда долзарб ва муҳим масалалар муҳокамаси учун прокуратура органлари ҳамда тадбиркорлар жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар йиғилишлари мунтазам ўтказиб борилмоқда [4].

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2018 йилдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3939-сон Қарорига асосан, Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар ташкил этилиб, комиссия ишчи органи функцияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасига юклатилган[8].

Россия Федерациясида эса прокуратура органларининг бу борада Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича федерал вакил билан ҳамкорлиги, айниқса, биргаликда текширишлар ташкил этилаётганлиги тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари, бунга имконият яратган сабаб ва шароитларнинг янада аниқроқ ва тезроқ аниқланишига ёрдам бериши айрим тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмоқда [7].

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш якунлари юзасидан хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаш ўринли бўлади, фикримизча:

Биринчидан, Фарб давлатларида прокуратура органлари фаолияти асосан судларда ишлар қўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш ва жиноят қонунчилиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган бўлса, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати функцияси МДХга аъзо мамлакатларнинг (Россия, Қозоғистон ва ҳ.к.) аксариятида етакчи функция бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш борасида айнан МДХ мамлакатлари прокуратура органларининг тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, хорижий давлатларда тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва унинг ривожланиши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш борасидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳам мунтазам такомиллашиб бормоқда.

Учинчидан, хорижий мамлакатлар (Россия, Қозоғистон) тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга доир қонун ҳужжатларидаги айрим янгиликларини (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектлари бирлашмаларининг эксперт хулосаларини олишнинг мажбурийлиги, маълумотнинг тижорат сирига тааллуқли эканлигини тадбиркорнинг ўзи белгилаши, давлат назоратини амалга оширишда тадбиркорлик субъектининг инсофлиги принципининг мавжудлиги, қонунда тадбиркорлик субъектида текширишни тайинлаш тўғрисида ҳужжат қабул қилиш, уни ваколатли органда рўйхатдан ўтказиш каби масалаларнинг ўз ифодасини топганлиги ва ҳ.к.) ижобий тажриба сифатида миллий қонунчиликка имплементация қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, МДХ мамлакатлари прокурор назорати таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши прокуратура органларининг муҳим йўналишларидан биридир. Қонунчилик ҳужжатларининг такомиллашиб бориши натижасида, прокуратура органларига тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўлақонли таъминлашга имкон яратувчи ваколатлар (тадбиркорларнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш бўйича сўровларга санкция бериш, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларнинг прокуратура органларида рўйхатга олиниши, хусусий секторни текширишга рухсатнинг қуйи турувчи прокурорларга фақат Бош прокуратура томонидан берилиши ва бошқалар) берилмоқда.

Оқибатда, бу - текширувларни тартибга солиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва тадбиркорларда ҳуқуқий саводхонликнинг ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Бешинчидан, прокуратура органларида (Қозоғистон) ишонч телефонларига тадбиркорларнинг махфий тарзда мурожаат этишларига имкон берилганлиги, прокурорларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш борасидаги фаолиятини тартибга солувчи махсус Бош прокурор буйруғининг мавжудлиги (Россия Федерацияси), прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришдаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича Федерал вакил, тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигини прокурор назорати амалиётининг ижобий жиҳатлари сифатида эътироф этиш лозим.

Олтинчидан, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш лозим. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги ижобий тажрибасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Ҳуқуқий таъсир чораларнинг фақат суд тартибида қўлланилиши, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссиясининг ишчи органи вазифаси Бош прокуратуранинг тегишли бошқармасига юклатилганлиги, прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар таркибида фаол иштирок этиб келинаётганлиги шулар жумласидандир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Запрудская М. Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательства // Мурожат этилган сана 19.01.2019 й. <http://elibr.bsu.by/bitstream/123456789/186402/1/135-139.pdf> (Zaprudskaya M. Improvement of prosecutorial supervision over the observance of legislation. Date of the application January19.2019).
2. Князева Е. Прокурорский надзор в зарубежных странах // Мурожат этилган сана 19.01.2019й. <https://cyberleninka.ru/article/n/prokurorskiy-nadzor-v-zarubezhnyh-stranah/> (Knyazeva E. Prosecutorial supervision in foreign countries. Date of the application January19.2019).
3. Абдрахманова С., Канатов А. К вопросу определения места и роли органов прокуратуры // "Қуқық жене мемлекет", 2016, № 4 (73). -С.26-31. (Abdrakhmanova S., Kanatov A. Towards the question of identifying the place and role of prosecutorial bodies // "Қуқық жене мемлекет", 2016, № 4 (73). - P.26-31.)
4. https://vuzlit.ru/1368973/mezhdunarodnyy_opyt_zaschity_prav_predprinimateley/ Мурожат этилган сана 19.01.2019 й. (Date of the application January19.2019).
5. <http://lex.uz/docs/3839746/> Мурожат этилган сана 23.01.2019 й. (Date of the application January23.2019)
6. Оқюлов О., Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография / -Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2010. -Б.34.(Oqyulov O., Otakhonov F.The issues of strengthening the system of protection of the subjects of entrepreneurship. Monography/ -Tashkent.: Publishing House TSIL, 2010.-P.34.)
7. Разногузов К. Институт уполномоченного по защите прав предпринимателей и специализированные подразделения по защите прав предпринимателей в органах прокуратуры: вопросы организации и взаимодействия // "КриминалистЪ", 2013, №1(12).-С.89-93.(Raznoguzov K. The institute of authorized (ombudsman) on the protections of the rights of entrepreneurs and specialized divisions on the protections of the rights of entrepreneurs in prosecutorial bodies: questions of organization and cooperation // "КриминалистЪ", 2013, №1(12). - P.89-93.)
8. <http://lex.uz/docs/3899943/> Мурожат этилган сана 23.01.2019 й. (Date of the application January23.2019).

**12.00.05 ТРУДОВОЕ ПРАВО.
ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

Бегзод Мусаев,

Тошкент давлат юридик
университети кафедра мудири, PhD
E-mail: bek.yurist@bk.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-6>

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Аннотация: мазкур мақолада муаллиф томонидан халқаро ташкилотларда меҳнат муносабатларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқий мақоми, меҳнат шартномасининг тузиш ҳамда бекор қилиш тартибининг ўзига хос жиҳатлари атрофлича ўрганилган.

Калит сўзлар: халқаро ташкилот, локал ҳуқуқий ҳужжатлар, Маъмурий трибунал, энг узвий боғланган давлат ҳуқуқи, кадрлар сиёсати, иммунитет ҳуқуқи.

Бегзод Мусаев,

Заведующий кафедрой
Ташкентского государственного
юридического университета, PhD
E-mail: bek.yurist@bk.ru

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ТРУДА РАБОТНИКОВ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Аннотация: в данной статье автор подробно анализировал правовые основы организации трудовых отношений в международных организациях, а также правовой статус работников в том числе особенности заключения и расторжения трудового договора в международных организациях.

Ключевые слова: международная организация, локальные нормативные документы, Административный трибунал, право наиболее тесно связанного государство, кадровая политика, право иммунитета.

Begzod Musaev,

Head of Department Tashkent
State University of Law, PhDE
mail: bek.yurist@bk.ru

LEGAL REGULATION OF THE EMPLOYEES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS

Annotation: In this article, the author analyzed in detail the legal basis of the organization of labor relations in the international organizations, as well as the legal status of workers, including the concluding and dissolving employment contract in the international organizations.

Key words: international organization, local regulations, the Administrative Tribunal, the right to the most closely related state, staff policy, the right of immunity.

For citation: Begzod Musaev. LEGAL REGULATION OF THE EMPLOYEES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 46-51

Халқаро ташкилотлар ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра давлатларо, нодавлат ёки аралаш кўринишларда бўлиши мумкин. Шунингдек, халқаро давлатлараро ташкилотларни турли асосларга кўра ҳам таснифлаш мумкин. Хусусан, БМТ тизимидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар¹ ва бошқа махсус ваколатли халқаро давлатлараро² ҳамда минтақавий ва минтақаларо ташкилотлар³.

Халқаро тажриба ҳар доим ҳам халқаро ташкилотлардан ўз фаолиятини амалга ошириш ва турли муносабатларга кириш учун қандайдир махсус мақомга эга бўлишни талаб қилмайди. Аммо, қоида тариқасида барча халқаро ташкилотлар юридик шахс мақомини ўзида мустақамлайдилар.

Халқаро амалиётда кўпчилик халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми куйидаги ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган бўлиши мумкин: 1) халқаро давлатларо ташкилотнинг устави; 2) мазкур ташкилотнинг иммунитетини ва имтиёзлари ҳақидаги конвенция; 3) мазкур ташкилотнинг бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган таркибий қисмларини ташкил қилиш ҳақидаги келишув; 4) аниқ бир давлат юрисдикцияси доирасида халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақомини тартибга солишга қаратилган мазкур давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Халқаро ҳуқуқ бўйича италиялик профессор Д.Анцилотти халқаро ташкилотни "жамоавий орган"[1] деб атайди, америкалик профессор Г.Кельзен эса халқаро ташкилот тушунчасига куйидагича таъриф беради: "Халқаро ташкилотлар фаолияти халқаро шартномалар асосида ташкил қилинади ва у ўз олдига куйган мақсад ва вазифаларни бажариш учун махсус органларни ташкил қилади"[2]. Мазкур таърифда муаллиф халқаро ташкилот фаолиятини ўз мақсад ва вазифаларни тўлиқ бажариши учун халқаро ҳуқуқий базага ва тегишли махсус органларни ташкил қилиш заруриятига эътибор қаратади.

Е.А.Шибаеванинг куйидаги таърифи эътиборга лойиқ: "Халқаро ташкилот бу - халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ташкил қилинган халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти саналган, доимий фаолият кўрсатувчи махсус органларига эга бўлган маълум бир мақсадларни бажариш учун халқаро шартномалар асосида ташкил қилинган давлатлар бирлашмасидир" [3].

Халқаро ташкилотлар тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, улар халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида нафақат халқаро

1. Изоҳ: Бугунги кунда мазкур тоифадаги халқаро ташкилотлар куйидагиларни киритиш мумкин: БМТ Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти (Food and Agriculture Organization, FAO), БМТ Аҳолишунослик фонди (United Nations Population Fund, UNFPA), Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (International Atomic Energy Agency, IAEA), Фуқаролик авиацияси бўйича халқаро ташкилот - ИКАО (International Civil Aviation Organization, ICAO), Халқаро меҳнат ташкилоти (International Labour Organization, ILO), Халқаро денгиз ташкилоти (International Maritime Organization, IMO), Бутунжаҳон банк ташкилоти (World Bank, WB), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization, WHO), Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (World Intellectual Property Organization, WIPO), Бутунжаҳон метеорология ташкилоти (World Meteorological Organization, WMO), Бутунжаҳон туристик ташкилоти (World Tourism Organization, WTO), Халқаро валюта фонд - (International Monetary Fund, IMF).

2. Изоҳ: Мисол учун Бутунжаҳон савдо ташкилоти (World Trade Organization, WTO), Оғирлик ва ўлчов бўйича халқаро бюро (International Bureau of Weights and Measures, IBWM) ва бошқалар.

3. Изоҳ: Мисол учун: МДХ, Европа Иттифоқи, ЕврАзЭС, ШХТ, АСЕАН, Африка иттифоқи ва бошқалар.

ҳуқуқий муносабатларга, балки фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат муносабатларига ҳам киришадилар. Халқаро ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар мазкур ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришади ва халқаро ташкилотнинг ходимлар таркибини ташкил қилади.

Турли давлатларнинг фуқаролари сифатида халқаро ташкилотнинг штаб-квартираси жойлашган давлатнинг ҳудудида меҳнат қилар экан ходим барча соҳаларда шу жумладан меҳнат фаолияти нуқтаи назаридан ҳам мазкур халқаро ташкилотнинг юрисдикцияси доирасига киради. Бошқача қилиб айтганда ушбу тоифадаги меҳнат муносабатлари халқаро ташкилотнинг ички норматив ҳужжатлари, хусусан ходимлар ҳақида қоидалар ва низомлар билан тартибга солинади ва ушбу меҳнат муносабатлари бирор бир давлатнинг миллий қонунчилиги нормалари билан тартибга солинмайди.

Халқаро оммавий ҳуқуқда "халқаро ташкилотнинг ички ҳуқуқи" деганда халқаро ташкилотнинг ички органлари ўртасидаги муносабатлар, уларни фаолият олиб боришининг тартиб-таомиллари, ходимларнинг мақоми ва халқаро ташкилотнинг ички ташкилий механизмига таалуқли бошқа масалаларни тартибга солувчи нормалар тушунилади [4].

Халқаро ташкилотларнинг иммунитет ва имтиёзлари ҳақидаги конвенция ва ушбу ташкилотларнинг уставлари уларни ҳуқуқий мақомини белгилаш билан бир қаторда, ушбу халқаро ташкилотларни турли хил шартномавий муносабатларга киришиш ва ўз манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам белгилаб беради.

Жумладан, 1946 йилги БМТ иммунитет ва имтиёзлари ҳақидаги Конвенциянинг 1 бўлими, 1 моддасида шундай қоида назарда тутилади: "Бирлашган миллатлар ташкилоти юридик шахс саналади ва қуйидагиларга ҳақли: (а) шартномалар тузиш; (б) кўчар ва кўчмас мулкларни қўлга киритиш ва улар тасарруф қилиш; (с) судда иш қўзғатиш". Худди шунга ўхшаш норма 1947 йилги "БМТ ихтисослаштирилган органларининг иммунитет ва уларнинг имтиёзлари ҳақида"ги Конвенциянинг 3 боб, 2 моддасида, ХМТ Уставининг 39-моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Шубҳасиз, шартнома тузиш ҳуқуқи халқаро ташкилотлар томонидан иш берувчи сифатида ходимларни ишга жалб қилиш билан боғлиқ меҳнат меҳнат муносабатларига нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Агар меҳнат муносабатлари тарафлари сифатида халқаро ташкилот саналмайдиган иш берувчи ва ходим намоён бўлган тақдирда, меҳнат шартномасини тузиш ва бажариш тартиби одатда тегишли давлатнинг меҳнат ҳуқуқи нормалари асосида белгиланади. Агар шундай меҳнат муносабатларининг бир тарафи саналган чет эл иш берувчиси, трансмиллий корпорациялар ёки бошқа шунга ўхшаш чет эл элементини билан мураккаблашган меҳнат муносабатлари бўлса, шунингдек меҳнат муносабатларини тартибга солишга нисбатан бир нечта мустақил ҳуқуқ тизимлари даъвогарлик қилган тақдирда ҳам яқунда бундай муносабатларни тартибга солиш учун аниқ давлат ҳуқуқи танланади.

Аммо, иш берувчи сифатида халқаро ташкилотлар намоён бўлган ҳолатларда вазият умуман бошқача тусга киради. Бизга маълумки, бундай халқаро ташкилотлар алоҳида давлатларнинг ҳуқуқий режимларининг таъсирига нисбатан иммунитет ҳуқуқига эга ҳисобланадилар. Ушбу ўзига хослик халқаро ташкилотларнинг ҳеч қайси давлатларнинг ҳуқуқидан мустақил эканлигини ва ўз фаолиятида бирор-бир давлат ҳуқуқига бўйсунмаслигини англатади. В.А.Канашевский, В.В.Ярков, З.Кирован,

Ю.А.Сарвиرو, А.Реиниш, Е.Гаиллард каби мутахассисларнинг умумий фикрича ҳеч қайси ҳуқуқий тизим халқаро ташкилотнинг ички муносабатлари, жумладан ходимлар билан бўладиган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга эмас [5; 6; 7; 8; 9; 10]. Бундай муносабатлар ўзга хос тарзда: 1) мазкур халқаро ташкилотнинг устав ҳужжатлари ва у билан боғлиқ халқаро шартномалар; 2) халқаро ташкилотнинг локал норматив актлари⁴; 3) ходим билан тузилган индивидуал меҳнат шартномалари; 4) меҳнат муносабатлари соҳасидаги низолардан келиб чиққан маъмурий трибуналларнинг қарорларига асосан; 5) меҳнат ва шартнома ҳуқуқининг умумий тамойиллари асосида тартибга солинади. Бундай ўзига хос тартиб халқаро ташкилотни ички бошқарувини унификация қилиш ва унинг алоҳида давлатлардан мустақиллигини таъминлаш мақсадида ўрнатилади.

Алоҳида давлатларнинг ҳуқуқий нормалари халқаро ташкилотлар иштирокида тузилган меҳнат муносабатларига нисбатан фақатгина қуйидаги уч шартдан бири бажарилган тақдирдагина татбиқ қилиниши мумкин: 1) халқаро ташкилотнинг ички локал норматив ҳуқуқий ҳужжатида у ёки бу давлатнинг ҳуқуқига ҳавола қилишга қаратилган аниқ коллизия беговчи мавжуд бўлса; 2) ходим билан тузилган меҳнат шартномасида у ёки бу давлатнинг ҳуқуқига йўналтиришга қилишга қаратилган аниқ коллизия ҳавола мавжуд бўлса;

3) давлатнинг ҳуқуқий нормаси ҳуқуқнинг умумий тамойили сифатида кўриб чиқилса.

Шу билан бирга, халқаро ташкилотлар томонидан ўзларининг ички локал ҳужжатлари ва тузилаётган меҳнат шартномаларида у ёки бу аниқ давлатнинг ҳуқуқига ҳавола қилишдан қочишга урунишади [11]. Мазкур ҳолат айниқса меҳнат муносабатларини аниқ бир давлатнинг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Алоҳида ҳолатларда меҳнат низоларини кўрувчи органлар (тегишли Маъмурий трибуналлар ёки суд) меҳнат соҳасидаги низоли вазиятга нисбатан локал норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ёки меҳнат шартномасида аниқ белгиланмаган бўлсада меҳнат муносабатларига нисбатан бирор бир давлат ҳуқуқини татбиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашлари мумкин. Кўпчилик ҳолатларда мазкур ҳолатларда суд томонидан меҳнат фаолияти амалга оширилаётган давлат ҳуқуқи (*lex loci laboris* тамойили)ни белгилаш тажрибаси кенг тарқалган. Аммо иш ҳолатларига кўра суд томонидан меҳнат шартномаси билан бошқа давлатнинг ҳуқуқи (мисол учун, иш берувчининг бош офиси жойлашган давлат ҳуқуқи ёки ходим ишлаб чиқариш жароҳатини олган давлат ҳуқуқи) энг узвий боғланганлигини аниқланса, меҳнат низосига нисбатан ушбу давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи умумий нормалар ушбу ташкилотларнинг уставлари ва тегишли халқаро шартномаларда белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ халқаро мансабдор шахслар у ёки бу давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

4. Изоҳ: Қоида тариқасида бундай локал ҳужжатлар сифатида "Ходимлар ҳақида"ги Низом (Staff regulations) ва "Ходимлар ҳақида қоидалар" (Staff rules)ни кўрсатиш мумкин. "Ходимлар ҳақида"ги Низом (Staff regulations) халқаро ташкилот бошқарувининг олий коллегиял органи томонидан қабул қилинса, "Ходимлар ҳақида қоидалар" (Staff rules) эса "Ходимлар ҳақида"ги Низом (Staff regulations)ни ижро этиш учун кўпчилик ҳолатларда халқаро ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Аммо ушбу ҳолатда юзага келган ижтимоий муносабатнинг хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Халқаро ташкилотларнинг ходимларига дипломатик корпус вакиллари сингари ўз функционал вазифаларини бажариш билан боғлиқ муносабатлардаги иммунитет ҳуқуқи татбиқ қилинади. Агар халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган хусусий муносабатларга (уй-жойни ижрага олиш, фарзандларини ўқитиш учун қўшимча таълим олиш учун ўқитувчини ёллаш ва бошқалар) киришган тақдирда уларга нисбатан барча миллий давлат қонунчилиги нормалари билан ўрнатилган тартиб қоидалар, шу жумладан жавобгарлик нормалари ҳам татбиқ қилинади.

Халқаро ташкилот ходимларининг ишга қабул қилиш тартиби, меҳнат шартлари, кадрлар сиёсати ва шу билан боғлиқ бошқа масалалар мазкур халқаро ташкилотнинг локал норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Халқаро ташкилотнинг локал норматив ҳуқуқий ҳужжатларида қоида тариқасида ушбу ташкилотга ишга қабул қилишнинг энг юқори ва энг кам ёш кўрсатиб кўйилиши мумкин. Одатда 60-65 ёшдан ошган шахсларнинг ишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилмайди, аммо истисно қилувчи ҳолатларда халқаро ташкилот раҳбарияти томонидан ушбу ёшдан ошган шахсларни (етук олимлар, машҳур жамоатчилик вакиллари) ишга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Айрим халқаро ташкилотларда ишга қабул қилишнинг энг кам ёши ҳам белгилаб кўйилиши мумкин. Мисол учун, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ходимлар тўғрисидаги Низомнинг 410.2 бандига мувофиқ ишга қабул қилиш ҳақида ариза ёзган ходим 20 ёшдан кичик бўлмаслиги лозим. Деярли барча халқаро ташкилотларда ходимлар ишга қабул қилинишидан олдин тиббий кўрикдан ўтиши талаб қилинади ҳамда айрим халқаро ташкилотларда унинг олий коллегиял органи мажлисларида қасамёд қилиши талаб қилинади.

Халқаро ташкилотларда ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш усуллари ички давлат талабларида белгиланадиган шаклларда, хусусан ходимнинг ташаббусига кўра, тарафларнинг келишувига асосан, иш берувчининг ташаббусига биноан ва тарафларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларга кўра.

Кўпчилик халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқий ҳужжатларига бноан агар ходимнинг ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, бу ҳақида ходим иш берувчини камида уч ой олдин расмий равишда огоҳлантириши талаб қилинади.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш шартлари ва тартиби халқаро ташкилотнинг Ходимлар ҳақидаги қоидаларида батафсил баён қилинган бўлиб, унга кўра агар ходимнинг айбли ёки гайриқонуний ҳаракатлари натижасида меҳнат шартномаси бекор қилинмаётган бўлса, у ҳолда ходимга белгиланган тартибда компенсация тўланади. Агар ходим эгаллаб турган лавозим тугатилган тақдирда халқаро ташкилот томонидан уни бошқа ишга ўтказиш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилиши назарда тутилган.

Ходимларга ҳақ тўлаш, уларни ойлик маошларидан олинадиган тўловлар, ходимларнинг ҳафталик дам олиш вақти ва иш вақтининг режими, байрам кунларини белгилаш масалалари, ходимларга қўлланиладиган интизомий чоралар ва уларнинг хусусиятлари халқаро ташкилот қайси давлатнинг ҳудудида жойлашганлигидан қатъий назар ушбу ташкилотнинг ички локал ҳуқуқий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Юқорида ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра бир қатор хулосалар қилиш мумкин:

биринчи, халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида нафақат халқаро оммавий ҳуқуқий муносабатларга киришади, балки ўз мазмунига кўра чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларга ҳам киришадилар;

иккинчи, халқаро ташкилотларнинг чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига кириши халқаро хусусий ҳуқуқнинг бошқа субъектларидан фарқланиб, ушбу муносабатлар у ёки бу давлатнинг ички ҳуқуқ нормалари билан эмас, балки халқаро ташкилотнинг ички локал ҳуқуқий ҳужжатлари билан тўлиқ тартибга солинади;

учинчи, халқаро ташкилотларнинг хусусий ҳуқуқий муносабатларга киришида бирор бир давлатнинг ҳуқуқига бўйсунмаслиги, айниқса меҳнат муносабатларида ходимларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, меҳнат шартномаси ҳамда унинг шартларини ўрнатишда ўз ички ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ муносабатларни тартибга солиш тажрибаси ушбу халқаро ташкилот ходимларининг тўлиқ мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Д. Анцилотти. Курс международного права. Том 1, Введение - Общая теория. Пер. с итал. А. Л. Саккети, Э. М. Фабрикова. под ред. Д. В. Левина. М.: ИЛ, 1961. 457 с.
(D. Anzilotti. The course of international law. Volume 1, Introduction - General Theory. Per. with ital. A. L. Sakketi, E. M. Fabrikova. by ed. D. V. Levin. M.: IL, 1961. 457)
2. Кельзен Г. Чистое учение о праве и аналитическая юриспруденция. Перев. с англ. А.А. Краевского // Российский ежегодник теории права. № 2. СПб., 2011. - С. 432-453.
(Kelzen G. Pure teaching about law and analytical jurisprudence. Trans. from English A.A. Kraevsky // Russian Yearbook of Theory of Law. № 2 .. SPb., 2011. - С. 432-453)
3. Шиббаева Е.А. Право международных организаций. М., 1986. - С. 17-18.
(Shibaeva E.A. Law of international organizations. M., 1986. - p. 17-18)
4. Бекашев Д.К. Особенности правового регулирования труда персонала международных организаций (на примере ООН) / Д.К. Бекашев, Л.В. Аванесова // Евразийский юридический журнал - 2014 г. - № 7 (74). - С. 67-74.
(Bekyashev D.K. Peculiarities of legal regulation of labor of personnel of international organizations (on the example of the UN) / D.K. Bekyashev, L.V. Avanesova // Eurasian Law Journal - 2014 - No. 7 (74). - p. 67-74.)
5. Канашевский В.А. Правовое положение международной организации как субъекта международного частного и гражданского права // Правоведение. 2003. N 3 (248). - С. 139 - 158.
(Kanashevsky V.A. The legal status of an international organization as a subject of international private and civil law // Jurisprudence. 2003. N 3 (248). - p. 139 - 158.)
6. Ярков В.В. Об иммунитете международных организаций в практике российских судов // Международное частное право. М.: Тон-Остожье, 2000. - С. 193 - 197.
(Yarkov V.V. On the immunity of international organizations in the practice of Russian courts // Private international law. M.: Ton-Ostozhe, 2000. - p. 193 - 197)
7. Кирован З. Привилегии и иммунитеты международных организаций и их сотрудников: Дис. ... канд. юрид. наук. Киев, 1994. - С. 78 - 79.
(Kirovan Z. Privileges and immunities of international organizations and their employees: Dis. ... Cand. legal sciences. Kiev, 1994. - p. 78 - 79)
8. Сарвино Ю.А. Внутреннее право международных организаций: На примере ЮНЕСКО: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2009. - С. 112 - 114.
(Sarviro Yu.A. Domestic law of international organizations: On the example of UNESCO: Dis. ... Cand. legal sciences. M., 2009. - p. 112 - 114.)
9. Reinisch, A. The Immunity of international organizations and the jurisdiction of their administrative tribunals // Chinese Journal of International Law. 2008. Vol. 7. No. 2. - Pp. 285 - 306.
10. Gaillard, E., Pingel-Lenuzza, I. International Organisations and Immunity from Jurisdiction: To Restrict or to Bypass // The International and Comparative Law Quarterly. 2002. Vol. 51. No. 1. - P. 1 - 15.
11. Legal Opinions of the Secretariat of the UN // United Nations Juridical Yearbook. 1976. - P. 165.

Холикова Шахноза Абдугафаровна

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил
изланувчиси
E-mail: abdugafarovna@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-7>

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мақолада жамоатчилик назорати шакллари, уларни амалга ошириш тартиби ва механизми масалалари ўрганилган. Мақолада жамоатчилик назоратининг амалдаги шакллари амалга ошириш тартибини аниқлаштириш ҳамда янги шакллари жорий этиш билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жамоатчилик назорати, шакл, муҳокама, эшитув, мониторинг, экспертиза, жамоатчилик фикрини ўрганиш, ҳисоботларни эшитиш.

Холикова Шахноза Абдугафаровна

Самостоятельный соискатель Академии
государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан
E-mail: abdugafarovna@mail.ru

ФОРМЫ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ И ПРОБЛЕМЫ ИХ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Аннотация: В статье изучено форма общественного контроля, вопросы порядка и механизмов осуществления общественного контроля. В статье разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию порядка осуществления действующих форм общественного контроля и внедрения его новых форм.

Ключевые слова: общественный контроль, форма, обсуждения, слушания, мониторинг, экспертиза, изучения общественного мнения, заслушивания отчетов.

Kholikova Shahnoza Abdugafarovna,

Independent researcher of the Academy
of Public Administration of the President
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: abdugafarovna@mail.ru

FORMS OF PUBLIC CONTROL AND PROBLEMS OF THEIR FURTHER DEVELOPMENT

Annotation: In article forms of public control, questions of order and mechanisms of implementation of public control are studied. In article offers and recommendations about improvement of a procedure of the operating forms of public control and introduction of its new forms are developed.

Keywords: public control, form, discussions, hearings, monitoring, examination, studying of public opinion, hearing of reports.

For citation: Kholikova Shahnoza Abdugafarovna. FORMS OF PUBLIC CONTROL AND PROBLEMS OF THEIR FURTHER DEVELOPMENT. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 52-60

Жамоатчилик назорати шакллари ўрганиш унинг туб моҳиятини англашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунида жамоатчилик назоратининг 8 та шакли мустақамланган: давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитиуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш. Мазкур шакллар орқали жамоатчилик назорати субъектлари давлат органлари билан самарали ҳамкорлик қилиши, улар фаолияти устидан таъсирчан ва манзилли жамоатчилик назоратини ўрнатиши мумкин.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг жамоатчилик назоратининг шакллари оид моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, уларда ҳаволаки нормалар жуда ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Хусусан, Қонуннинг 7-моддасида жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўровлар юборишга ҳақли эканлиги, ушбу сўровлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқирилиши қайд этилган.

Сўровларни юбориш тартиби эса, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунда тартибга солинган. Қонуннинг 3-боби айнан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш тартибига бағишланган. Унда сўровни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби, шунингдек сўровга қўйилган талаблар белгиланган.

Жамоатчилик назоратининг навбатдаги шакли - давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳам Қонунга (8-модда) асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш тартиби ҳам "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунда ҳамда "Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисида"ги намунавий низомда (рўйхат рақами 2742, 22.12.2015 й.) назарда тутилган. Хусусан, Қонуннинг 16-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиши бўйича талаблар белгиланган.

Жамоатчилик назоратининг яна бир шакли - жамоатчилик муҳокамаси бўлиб, Қонунга асосан, жамоатчилик муҳокамаси ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишдан иборат.

Қонунда жамоатчилик муҳокамасини жамоатчилик назорати субъектлари ўтказиши мумкинлиги белгиланган бўлсада, амалиётда ушбу назорат тури асосан давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (regulation.gov.uz) порталига жойлаштириш орқали амалга оширилмоқда. Таъкидлаш лозимки, 2018 йил сентябрь ойи ҳолатида порталга 378 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 36 та қонун, 19 та Президент Фармони, 54 та Президент қарори, 2 та Президент фармойиши, 133 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 41 та ҳокимият қарори ва 93 та идораларнинг буйруқ ва қарорлари жойлаштирилган ва муҳокама қилинган. Ушбу лойиҳалар бўйича жамоатчиликдан жами 1318 та таклифлар келиб тушганлиги ҳам мазкур жамоатчилик назорати шакли самарали фаолият ўзсараётганлигини далилат беради [19].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (regulation.gov.uz) порталига лойиҳаларни фақатгина давлат органлари жойлаштириши мумкин ҳисобланади. Шу муносабат билан "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун нормаларини тўлақонли реализация қилиш мақсадида ушбу порталга жамоатчилик назорати субъектлари томонидан ҳам турли лойиҳаларни, шу жумладан, муқобил лойиҳаларни жойлаштириши имкониятини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир жамоатчилик назорати шакли бу - жамоатчилик эшитуви бўлиб, у давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш ҳисобланади.

Айни дамда Қонунда жамоатчилик эшитувини ўтказиш билан боғлиқ аниқ тартиб-қоидалар белгиланмаган. Хусусан, жамоатчилик эшитуви мантқан давлат органлари, улар мансабдор шахсларининг фаолияти юзасидан бўлади. Мазкур ҳолатда жамоатчилик назорати субъекти тегишли давлат органи вакили ёки мансабдор шахсни таклиф этишга ваколатлими, ўз навбатида давлат органи вакили ёки мансабдор шахси жамоатчилик эшитувида иштирок этишни рад этиши мумкинми, деган табиий саволлар туғилади. Қолаверса, жамоатчилик эшитувини ўтказиш, эшитувни олиб бориш тартиби, регламент, савол-жавоб, давлат органи вакили ёки мансабдор шахси маърузасини эшитиш, жамоатчилик эшитуви баённомасини юритиш, унинг натижасида яқуний қарор қабул қилиш, қарор юзасидан эътирозлар билдириш каби масалалар ҳам аниқ тартибга солинмаган. Шу билан бир қаторда бир мартаба жамоатчилик эшитуви ўтказилган масала юзасидан тақдоран эшитув ўтказиш тартиби, бу борадаги чекловларни ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасини юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш зарур.

Жамоатчилик назоратининг яна бир муҳим шакли бу - жамоатчилик мониторинги (11-модда) бўлиб, унга кўра, жамоатчилик мониторинги - давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатишдир.

Қонунга кўра, жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги

ахборотни олдиндан эълон қилиши лозим. Яъни, ушбу ҳолатда қонун чиқарувчи жамоатчилик мониторингини ўтказиш тартибини белгилашни жамоатчилик мониторинги ташкилотчиси ихтиёрига ҳавола этмоқда. Бизнинг фикримизча, республика ҳудудида жамоатчилик мониторингини ўтказишнинг ягона тартиби ўрнатилиши зарур. Шу боис ҳам "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасига жамоатчилик мониторингини ўтказишнинг барча учун бир хил бўлган ягона тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим жамоатчилик назорати шакли бу - жамоатчилик экспертизаси. Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Қонунда жамоатчилик экспертизаси ўтказиш тартиби, асослари, принциплари, жамоат экспертизаси ўтказилиши шарт бўлган соҳалар (ижтимоий сиёсат, меҳнат муносабатлари ва бандлик, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш, фуқаролик, миграция, таълим, маданият ва спорт ва б.қ.), жамоатчилик экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат этиш тартиби, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш муддатлари, эксперт хулосасини шакллантириш, уни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиби, эксперт хулосасида баён этилиши лозим бўлган ҳолатлар, экспертга қўйилган талаблар, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертизанинг ҳолислигини таъминлаш, эксперт хулосасини тасдиқлаш каби масалаларни ақс эттириш лозим. Шу муносабат билан "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасини янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

Қонуннинг 13-моддасида жамоатчилик назоратининг навбатдаги шакли - жамоатчилик фикрини ўрганишни амалга ошириш тартиб-таомиллари ҳам етарли даражада тартибга солинмаган. Қонунда жамоатчилик фикрини ўрганиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши белгиланган. Бироқ, амалдаги қонун ҳужжатларида жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби белгиланмаганлиги мазкур жамоатчилик назорати шаклини амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб тўсқинликларга сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларида жамоатчилик назоратининг бошқа шакллари ҳам назарда тутилган. **Хусусан:**

ҳужжатни муҳокама қилиш, унга таклифлар киритиш, тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; маъмурий ёки суд тартибида қарорни бекор қилиш, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тақиқлаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортишни талаб қилиш; етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш (Шаҳарсозлик кодекси 10-моддаси);

давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиш ("Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун 6-моддаси);

қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларининг олдини олиш ва уларни аниқлаш ҳамда ваколатли давлат органларини аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш; қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш; давлат органи фаолияти самарадорлигини, уларнинг қонун талабларига мувофиқлигини баҳолаш; текширув тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан давлат органларига мурожаат қилиш; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ("Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни 71-моддаси);

жамоатчилик ҳимоячилари сифатида иштирок этиш ("Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Қонун 13-моддаси);

давлат назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш ("Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун 20-моддаси);

давлат органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровлар юбориш ("Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун 11-моддаси ва "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун 71-моддаси);

журналист текшируви ("Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун 9-моддаси);

атроф муҳитнинг ҳолатини ва унинг ҳўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият таъсиридаги ўзгаришларини, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини, давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш, давлат ва бошқа назорат турларини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш (Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарори билан тасдиқланган Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида намунавий низом[14]);

ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш; истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори [13]).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида [15] қайд этилган мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун Интернет тармоғида "Менинг фикрим" деб номланган махсус веб-саҳифа ташкил этиш, демократиянинг илгор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш, яъни бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган ташаббусларни Олий Мажлис ёки халқ депутатлари Кенгашлари кўриб чиқиши мажбурий экани қонунда белгилаб қўйиш таклифи ҳам моҳият эътиборига кўра жамоатчилик назорати шакли ҳисобланади. Ушбу институт "халқ ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси" деб номланади.

Ушбу таклиф ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 34-бандида "Менинг фикрим" махсус веб-портали орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш тартибини жорий этиш белгиланди. Ушбу веб-портал мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонуларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилди [16, Б.287-288].

Фикримизча, жамоатчилик назорати шакллариининг ушбу институтни ривожлантириш учун тутган муҳим ўрнидан келиб чиқиб, келгусида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни жамоатчилик назоратининг юқорида кўрсатилган шакллари билан тўлдириш, шунингдек "халқ ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси"нинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, жамоатчилик назоратини ушбу шакли АҚШ Оқ уйи веб-сайтида петицияларга бағишланган "Wethepeople" махсус порталини ташкил этиш орқали амалга ошириб келинмоқда [2].

Жамоатчилик назоратининг ҳар бир шакли ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу уларни қўллаш тартиби билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилишда жамоатчилик муҳокамаси ўтказиш учун маслаҳатлашув комиссиялари тузилиши мумкин. Бунда қарор қабул қилишда ушбу комиссияларнинг хулосалари инobatта олиниши лозимлигини алоҳида қайд этиш лозим ("Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси).

Бу борада илмий-назарий адабиётлар таҳлили ҳам шуни кўрсатмоқдаки, олимлар жамоатчилик назорати шакли борасида қатъий тўхтамга келмаганлар. Масалан, ўзбек ҳуқуқшунос олими Р.Р.Ҳақимов бу борада "жамоатчилик назорати ... давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш ва тегишлича баён қилиш орқали намоён бўлади" [17, Б.5], деган фикрга келади.

Юридик адабиётларда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати шакллари ташкилий ва ҳуқуқий шакллarga бўлинади. Бунда ҳуқуқий шакллар қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлса, ташкилий шакллар тўғридан тўғри ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлмагани ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларда бевосита мустаҳкамланмаган ҳам бўлиши мумкин. Ташкилий шакллarga, жамоатчилик назоратини ўтказиш натижалари бўйича маъруза тайёрлаб, давлат органига тақдим этишни киритиш мумкин [1, Б.136-137]. А.А.Гончаров жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий шакллари сифатида фуқароларнинг умумий йиғилиши, жамоат палаталари, оммавий фуқаровий фаоллик, медианазорат, мурожаатни [5, Б.75-94]; О.С.Забралова эса, жамоатчилик муҳокамаси, маслаҳат органлари ташкил этиш, давлат органлари билан ҳамкорликда конференция ва семинарлар ўтказиш, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, турли дастурларни баҳолаш, давлат органлари қарорлари, дастурларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишни [7, Б.24]; В.В.Гриб эса, оммавий талбирлар ўтказиш, депутатни қақриб олиш, референдум, халқ ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси, журналистлик текшируви, жамоат экспертизаси, мурожаат қилиш ҳуқуқи, жамоат қузатув комиссиялари кабиларни киритади [6].

Юридик адабиётларда шунингдек, жамоатчилик назорати шакллари сифатида текшириш, ҳисоботларни эшитиш, сўров жўнатиш, маълумот талаб қилиб олиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва бошқалар кўрсатилади [4, Б.89-94; 10, Б.26-35; 8, Б.798-812]. А.А.Ялбулганов эса, жамоатчилик назоратининг уч асосий шаклини - дастлабки, жорий ва кейинги назоратни ажратиб кўрсатади [18].

М.А.Тиллабаев эса, халқаро амалиётдан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратининг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш;

журналистлик текшируви; петициялар (фуқароларнинг давлат органларига индивидуал ёки жамоавий мурожаатлари); маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали жамият ишларини бошқаришда қатнашиш; ижтимоий фикрга таъсир кўрсатувчи илмий-тадқиқот, публицистик, бадиий асарлар; қонун ва бошқа муҳим масалаларни жамоавий муҳокама этиш; халқ қонунчилиги ташаббуси; қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси; одил судловни амалга оширишда иштирок этиш, қасамхўрлар суди [12, Б.58].

Айрим тадқиқотчилар эса, жамоатчиликнинг давлат органларига кўмаклашиши, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш мақсадида жамоатчилик гуруҳлари томонидан патруллик қилиш, фавқулодда ҳолатларда (табiiй офат, оммавий тартибсизликлар, ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш ва б.қ.) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам беришни ҳам жамоатчилик назорати шакли сифатида баҳолайди [11, Б.87]. Бизнинг фикримизча эса, давлат органлари фаолиятини амалга оширишга кўмаклашиш, ёрдамлашиш билан боғлиқ фаолият жамоатчилик назоратини ташкил этмайди. Назорат, шу жумладан, жамоатчилик назорати ҳам амалга оширилган ёки оширилаётган фаолиятнинг ҳуқуққа мос, самарали ва мақсадга мувофиқ эканлигини баҳолаш билан боғлиқ бўлиши лозим. Ушбу масалаларни апрофлича тартибга солиш учун "Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашда иштироки тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, қонунчиликда жамоатчилик назорати шакллари қатъий белгилашнинг ўзи етарли эмас, жамоатчилик назорати ривожланиши учун аҳолининг ушбу жараёнда қатнашиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда фуқаролик позицияларини фаоллаштириш зарур. Мисол учун, мамлакат миқёсида жамоатчилик мониторингини амалга оширишнинг ягона методикасининг мавжуд эмаслиги ўз навбатида жамоатчилик назоратининг ушбу шакли амалиётда қўлланилмаслигига сабаб бўлади [3; 9, Б.131]. Шу муносабат билан биз ҳам жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш бўйича алоҳида методика ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан қуйидаги муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунда давлат органлари жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши, шунингдек ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши кераклиги белгиланган бўлиб, ушбу мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик масаласи аниқ тартибга солинмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратининг натижалари юзасидан киритилган таклиф, тавсияларни кўриб чиқмаганлик ва уларга жавоб бермаганлик, шунингдек жамоатчилик назорати субъектлари сўровига ўз вақтида ва ҳаққоний маълумотлар тақдим этмаганлик учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Авдеева А.И. Правовое регулирование общественного контроля за деятельностью органов государственной власти субъектов Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. - М.: ИЗСП, 2017. - С.136-137 (Avdeeva A.I. Legal regulation of public control over the activities of state authorities of the constituent entities of the Russian Federation: Diss. ... Cand. legal sciences. - М.: ISSP, 2017. - p.136-137)
2. АҚШ Оқ уйи расмий веб-сайти (The White House Official Web Site) // <https://www.whitehouse.gov>
3. Арутюнян Р.Э. Формы общественного контроля в Российской Федерации // www.pglu.ru - Пятигорский государственный университет (R.E. Arutyunyan Forms of public control in the Russian Federation // www.pglu.ru - Pyatigorsk State University)
4. Бессарабов В.Г. Бородушко И.В. Институт контроля в Российской Федерации: организационно-правовые основы и система контролирующих органов. СПб., 2002. С. 89-94. (Bessarabov V.G. Borodushko I.V. Institute of Control in the Russian Federation: the organizational and legal framework and the system of regulatory bodies. SPb., 2002. P. 89-94)
5. Гончаров А.А. Гражданский контроль над органами власти. - М.: Весь Мир, 2010. - С. 75- 94. (Goncharov A.A. Civil control over the authorities. - М.: All World, 2010. - p. 75-94)
6. Гриб В.В. Общественная палата Российской Федерации как орган общественного контроля // Юридический мир. - 2010. - №3 (Grib V.V. Public Chamber of the Russian Federation as an organ of public control // Legal World. - 2010. - №3)
7. Забралова О.С. Общественный контроль в Российской Федерации. - М.: Навигатор, 2011. - С.24. (Zabralova O.S. Social control in the Russian Federation. - М.: Navigator, 2011. - С.24)
8. Зубарев С.М. Механизм общественного контроля за деятельностью органов публичной власти // Lex Russia. - 2014. - №7. - С.798-812. (Zubarev S.M. The mechanism of public control over the activities of public authorities // Lex Russia. - 2014. - №7. - P.798-812)
9. Исаева Е.А. Общественные палаты в субъектах Российской Федерации как основная диалоговая площадка власти и общества: особенности формирования // В мире научных открытий. - 2014. -№3.3(51). - С.131. (Isaeva E.A. Public Chambers in the constituent entities of the Russian Federation as the main dialogue platform of the government and society: features of formation // In the world of scientific discoveries. - 2014. -No.3.3 (51). - p.131)
10. Контролирующие органы и организации России: Компетентия и полномочия: учебник / под ред. А.П. Гуляева. М.: МАЭП, 2000. С. 26-35; (Controlling bodies and organizations of Russia: Competence and powers: a textbook / edited by A.P. Gulyaeva. М.: МАЕР, 2000. p. 26-35)
11. Поклад А. Зарубежный опыт реализации отдельных форм общественного контроля за деятельностью полиции и пути его осуществления в Украине // Lege si viata. - 2016. - №10. - С.87. (Poklad A. Foreign experience in the implementation of certain forms of public control over the activities of the police and how to implement it in Ukraine // Lege si viata. - 2016. - №10. - P.87)
12. Тиллабаев М.А. Международный опыт проведения общественного контроля за исполнением законов // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. - С.58. (Tillabayev M.A. International experience in public control over the implementation of laws // Development and improvement of the effective public control mechanism on the activities of state bodies in ensuring human rights in our country: a collection of materials from the republican scientific-practical conference. - Tashkent: The NH of the Republic of Uzbekistan, 2018. - S.58)
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 181-модда. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated November 28, 2002 № 414 "On Measures for Expansion of Public Participation in Consumer Rights Protection" // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2002, No. 22, Art. 181)
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 526-модда. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 8, 2015

№ 287 "On approval of model regulations for the implementation of public environmental control" // Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2015, No. 41, art.526)

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маtbуот хизматининг расмий веб-сайти (Official web-site of the Press Service of the President of the Republic of Uzbekistan): www.press-service.uz

16. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида жамоатчилик назоратини кенгайтириш масалалари // Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент: ЎзР МГ ҲТИ, 2018. - Б.287-288. (Khayitov X.S. Issues of expanding public control in lawmaking // Development and improvement of the effective public control mechanism on the activities of state bodies in the provision of human rights in our country: a collection of materials of the republican scientific-practical conference. - Tashkent: The NN of the Republic of Uzbekistan, 2018. - В.287-288)

17. Ҳакимов Р. Мамлакатни модернизация килиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Фуқаролик жамияти. - 2010. - №3. - Б.5. (Hakimov R. Actual issues of public control of the country in modernization and building a strong civil society // Civil society. - 2010. - №3. - В.5.)

18. Ялбулганов А.А. Финансовый контроль как институт финансового права // Юрист. - 1999. - №4. (Yalbulganov A.A. Financial control as an institution of financial law // Lawyer. - 1999. - №4)

19. www.regulation.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали маълумотлари (Portal data of discussion of normative-legal acts of the Republic of Uzbekistan).

Иброҳимов Жамшид Абдуғаффорвич,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси мустақил изланувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-8>

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЕРРОРИЗМ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада МДҲ давлатлари жиноят қонунларининг терроризмга оид жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризмга оид моддаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: терроризм, жиноий жавобгарлик, молиялаштириш, ёлгон хабар бериш, ошқора ундаш, терроризмни тарғиб қилиш, ўқувдан ўтиш, оғирлаштирувчи ҳолат.

Иброҳимов Жамшид Абдуғаффорвич,

Самостоятельный соискатель Академии
Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан

СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ТЕРРОРИЗМА В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Аннотация: В статье проведено сравнительно-правовой анализ норм уголовных законов стран СНГ, устанавливающих ответственности за преступлений, связанных с терроризмом. В статье также разработаны предложения по дальнейшему совершенствованию статей Уголовного кодекса Республики Узбекистан, посвященные терроризму.

Ключевые слова: терроризм, уголовное ответственность, финансирование, заведомо ложное сообщение, открытый призыв, пропаганда терроризма, прохождение обучения, отягчающие обстоятельства.

Ibrokhimov Jamshid Abdugafforovich,

Independent researcher of Academy
of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan

COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF CRIMINAL LIABILITY FOR TERRORISM IN FOREIGN COUNTRIES

Annotation: The article contains a comparative legal analysis of the norms of criminal laws of the CIS countries, establishing responsibility for crimes related to terrorism. The article also developed proposals for further improvement of the article of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan on terrorism.

Keywords: terrorism, criminal liability, financing, deliberately false message, open appeal, propaganda of terrorism, training, aggravating circumstances.

For citation: Ibrokhimov Jamshid Abdugafforovich. COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF CRIMINAL LIABILITY FOR TERRORISM IN FOREIGN COUNTRIES. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 61-69

Терроризм ижтимоий салбий ҳодиса ва жиноят сифатида давлат ва жамият тараққиётига ўта салбий таъсир кўрсатади, мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, аҳоли ўртасида саросима келтириб чиқаради, беғуноҳ шахсларнинг бевақт ўлимига, давлат ва фуқаролар мулкининг нобуд бўлишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига, мамлакатдаги ялпи нотинчликка сабаб бўлади.

Шу муносабат билан дунёда, шу жумладан, МДҲ давлатларида ҳам терроризм учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар изчил такомиллашиб борди. Хусусан, Озарбайжон Республикасининг 1999 йил 30 декабрдаги Жиноят кодексига терроризм билан боғлиқ жиноятлар "Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар"га оид 10-бўлимнинг "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" тўғрисидаги 25-бобидан ўрин олган[1]. Озарбайжон ЖК 214-моддасида терроризм, 2141-моддасида терроризмни молиялаштириш, 2142-моддасида терроризмга оммавий даъват этиш, 2143-моддасида терроризм мақсадида ўқитишни амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, Озарбайжон ЖК 214-моддасига мувофиқ терроризм, яъни жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳоли ўртасида гулгула солиш ёки давлат ҳокимияти ёхуд халқаро ташкилотлар томонидан қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш мақсадида портлатиш, ўт қўйиш ёки инсонлар ҳалок бўлиши, уларнинг соғлиғига шикаст етказиши, жиддий мулкий зарар етказиш ёки бошқача ижтимоий хавфли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бошқа ҳаракатларни (террористик актларни) содир этиш, шунингдек ушбу ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш - ўн йилдан ўн тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар, уюшган ёки жиноий уюшма томонидан, такроран, ўқ отар қуролдан фойдаланган ҳолда содир этилса ёхуд эҳтиётсизликдан инсонлар ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, халқаро тадбир ёки оммавий тадбир ўтказиш жойида содир этилса, диний нифок, диний радикализм ёки фанатизм замирида содир этилса, ўн тўрт йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу билан бир қаторда Озарбайжон ЖК 214-моддасида ҳам рағбатлантирувчи норма белгиланган. Унга кўра, террористик ҳаракатга тайёргарлик кўришда иштирок этган шахс ҳокимият органларини ўз вақтида хабардор қилиб ёхуд бошқача усулда шу каби ҳаракатларни содир этишнинг олдини олишга кўмаклашса ҳамда унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Озарбайжон ЖК 2141-моддасида терроризмни молиялаштириш - шахс ёки гуруҳ (банда, ташкилот) томонидан террористик ҳаракатларга (ЖК 102, 214, 214-2, 214-3, 215, 219, 219-1, 226, 227, 277, 278, 279, 280, 282 ва 283-1-моддалари) тайёргарлик кўриш, ташкил этиш ёки содир этишни молиялаштиришда фойдаланилишини билгани ҳолда тўғридан тўғри ёки билвосита йўл билан пул

ёки бошқа мулкни, қўлга киритиш манбаидан қатъи назар қасддан тўплаш, тўлиқ ёки қисман ўтказиш ёхуд кўрсатилган жиноятларни содир этиш мақсадида шахсни ёхуд шу мақсадда тузилган гуруҳ (банда, ташкилот) фаолиятини таъминлаш учун ўн йилдан ўн тўрт йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган.

Пул маблағи ёки бошқа мулкдан террористик ҳаракатни содир этиш ёки унга суиқасд қилиш учун амалда фойдаланилмаганлиги ҳамда унинг аниқ террористик ҳаракат билан боғлиқ эмаслиги ушбу ҳаракат учун жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

Шу билан бир қаторда ушбу нормада ҳам рағбатлантирувчи қоида белгиланган. Унга кўра, шахс ҳокимият органларини ўз вақтида хабардор қилиб ёхуд бошқача усулда террористик ҳаракатнинг олдини олишга ёрдам кўрсатса ҳамда унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Озарбайжон ЖК 2142-моддасида терроризмга оммавий даъват этиш, шунингдек шу мазмундаги материалларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу ҳаракатлар учун беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Озарбайжон ЖК 2143-моддасида эса, терроризм мақсадида ўқитишни амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланган. Унга биноан, террористик ҳаракатларни содир этиш усуллари, мазкур ҳаракатларни содир этиш мақсадида ўқотар қурол, портловчи модда ёки қурилма, заҳарли моддалар, бошқа умумхавfli усуллар ёки техник воситалардан фойдаланиш бўйича таълим олиш беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Шу мақсадда ўқувни ташкил этиш ёки ўтказиш ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракат учун ҳам рағбатлантирувчи норма кўзда тутилган. Яъни, юқоридаги ҳаракатларни содир этган шахс ҳокимият органларини ўз вақтида хабардор қилиб ёхуд бошқача усулда террористик ҳаракатни содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиш бўйича ҳаракатларнинг олдини олишга ёрдам кўрсатса ҳамда унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Тожикистон Республикасининг 1998 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят кодексида терроризм жинояти учун жавобгарлик "Жамоат хавфсизлиги ва аҳоли саломатлигига қарши жиноятлар"га оид 8-бўлимнинг "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" тўғрисидаги 21-бобидан ўрин олган[2].

Тожикистон ЖКда терроризм (179-модда) ҳамда у билан боғлиқ 4 та жиноят таркиби - террористик хусусиятдаги жиноят содир этишга жалб этганлик ёки уни содир этишга бошқача ҳамкорлик қилганлик (1791-модда), террористик хусусиятдаги жиноятларни молиялаштириш (1792-модда), террористик хусусиятдаги жиноятларни содир этишга оммавий ундаш ва (ёки) террористик фаолиятни оммавий қўллаб-қувватлаш (1793-модда), террористик ҳаракат тўғрисида қасддан ёлгон хабар бериш (180-модда) учун жавобгарлик белгиланган.

Тожикистон ЖКга мувофиқ, терроризм, яъни портлатиш, ўт қўйиш, ўқ отар қуролдан ўқ отиш ёхуд инсонлар ҳалок бўлиши, жиддий мулкий зиён етказилиши ёхуд бошқа ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқариш хавфини келтириб чиқарувчи ҳаракатларни содир этиш, башарти ушбу ҳаракатлар жамоат хавфсизлигига, давлат ҳокимияти ва қуроли тузилмалар фаолиятига путур етказиш, аҳолини кўрқитиш ёхуд ҳокимият органлари қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида содир этилган бўлса ёхуд шундай ҳаракатларни содир

этиш билан таҳдид қилинган бўлса, - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шунингдек, ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда, такроран, миллий, ирқий, маҳаллийчилик, диний адоват мотивида, ҳарбийларга нисбатан, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ҳамда хавфли рецидивист томонидан содир этилса оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ҳамда мол-мулкни мусодара қилган ҳолда саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар уюшган жиноий гуруҳлар томонидан, оммавий қиргин қуролларини, радиоактив материалларни қўллаш ёхуд одамларнинг оммавий ҳалок бўлишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш таҳдида билан, ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган, эҳтиётсизликдан инсон ўлими ёки бошқа оқибатларга сабаб бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, мулкни мусодара қилган ҳолда 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш ёхуд ўлим жазоси ёки мулкни мусодара қилган ҳолда умрбод озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шу билан бир қаторда ушбу моддада террористик акт тайёрлашда иштирок этган шахс, башарти у ўз вақтида бу ҳақда ҳокимият органларини огоҳлантирган ёки бошқача усулда террористик ҳаракат содир этилишининг олдини олган бўлса ҳамда унинг ҳаракати таркибида бошқа жиноят аломатлари бўлмаса, у жиноий жавобгарликдан озод этилиши тўғрисида рағбатлантирувчи норма белгиланган.

Тожикистон ЖК 1791-моддасида "Террористик хусусиятдаги жиноят содир этишга жалб этганлик ёки уни содир этишга бошқача ҳамкорлик қилганлик" учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, шахсни террористик ҳаракатлар (ЖК 179, 179(2), 179(3), 181, 182, 184, 184(1), 184(2), 184(3), 184(4), 185, 193, 194, 194(1), 194(2), 194(3), 194(4), 194(5), 310 ва 402-моддалари) содир этишга жалб этиш ёки террористик ташкилот фаолиятида иштирок этишга ундаш, кўрсатилган жиноятларни содир этиш мақсадида шахсни ўқитиш, қуроллантириш, худди шунингдек бошқача тарзда ёрдам кўрсатиш - беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилса оғирлаштирувчи ҳолат сифатида беш йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Юқоридаги ҳаракатлар хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши ҳам оғирлаштирувчи ҳолат сифатида беш йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Айни дамда ушбу нормада кўзда тутилган жиноятни содир этган шахс, башарти ўз ихтиёри билан ҳамда ўз вақтида давлат ҳокимият органларига хабар бериш ёки бошқача йўл билан террористик хусусиятдаги жиноятнинг олдини олишга ёрдам берган бўлса ҳамда унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Тожикистон ЖК 1792-моддасида "Террористик хусусиятдаги жиноятларни молиялаштириш" учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, маблағни улар тўлиқ

ёки қисман алоҳида террорист ёки террористик гуруҳ (ташкilot) томонидан фойдаланилишини англаган ҳолда тўплаш ёхуд алоҳида террорист ёки террористик гуруҳ (ташкilot)ни молиявий таъминлаш мақсадида ёки террористик ҳаракатларни содир этиш учун, худди шунингдек, башарти ушбу маблағлар мазкур жиноятларни содир этиш учун амалда фойдаланилмаган тақдирда ҳам, шунингдек алоҳида террорист ёки террористик гуруҳ (ташкilot)ни башарти бу аниқ террористик акт билан боғлиқ бўлмаган ҳолда молиялаштириш ёнки жисмоний шахсларнинг террористик ҳаракат содир этишни режалаштириш, тайёрлаш ёки иштирок этиш учун сафарларини, ёки террористларни тайёрлаш ёки тайёргарликдан ўтиш бўйича фаолиятни молиялаштириш - мулкни мусодара қилган ҳолда беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, жиноий йўл билан олиниб, легаллаштирилган даромадлардан фойдаланган ҳолда содир этилса, мулкни мусодара қилган ҳолда ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Башарти ушбу ҳаракатлар уюшган гуруҳ ёки ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилса, мулкни мусодара қилган ҳолда ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Мазкур нормада "маблаг" деганда, ҳар қандай турдаги активлар, кўчар ёки кўчмас, уларга эгаллик қилиш шаклидан қатъи назар, шунингдек юридик ҳужжатлар ёки ҳар қандай шаклдаги бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, мазкур активларга ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи электрон ва рақамли ҳужжатлар, шу жумладан, банк кредитлари, йўл чеки, банк чеки, почта жўнатмалари, акция, қимматли қоғоз, облигация, вексель, аккредитив ва бошқалар тушунилади.

Тожикистон ЖК 1793-моддасида "Террористик хусусиятдаги жиноятларни содир этишга оммавий ундаш ва (ёки) террористик фаолиятни оммавий қўллаб-қувватлаш" учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу ҳаракатлар учун беш йилдан ўн йилгача, башарти улар оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғи орқали содир этилса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган.

Бунда террористик фаолиятни оммавий қўллаб-қувватлаш деганда, терроризм мафқураси ва амалиёти тўғрилигини тан олиш ҳақида оммавий тарғибот қилиш тушунилади.

Тожикистон ЖК 180-моддасида "Терроризм акти тўғрисида била туриб ёлгон хабар бериш" учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, тайёрланаётган портлаш, ўт кўйиш ёки бошқа инсонлар ҳалокатига, жиддий мулкий зиён етишига ёхуд бошқача ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ёнки ҳаво кemasи хавфсизлиги ва сув кemasи хавфсиз сузиши учун хавф солиши мумкин бўлган ҳаракатлар тўғрисида била туриб ёлгон хабар бериш икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Қирғизистон Республикасининг 2016 йил 2 февралда қабул қилинган янги таҳрирдаги Жиноят кодексида терроризм билан боғлиқ жиноятлар "Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар"га оид 8-бўлимнинг "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" тўғрисидаги 35-бобидан ўрин олган[3]. Қирғизистон ЖК 239-моддасида терроризм, 240-моддасида террористик фаолиятни молиялаштириш, 241-моддасида террористик фаолиятга кўмаклашиш,

242-моддасида террористик фаолиятни амалга оширишга оммавий даъват қилиш, 243-моддасида эса, Қирғизистон Республикаси фуқаросининг қуролли низолар ёки ҳарбий ҳаракатларга иштирок этиш ёки террористик тайёргарликдан ўтиш учун жавобгарлик белгиланган.

Қирғизистон ЖК 239-моддасининг биринчи қисмида террористик ҳаракатни содир этиш билан таҳдид қилганлик учун 3-тоифадаги озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, террористик ҳаракат, яъни аҳолини қўрқитиш, жамоат хавфсизлигини бузиш ёки ҳокимият органлари ёхуд халқаро ташкилотлар томонидан қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш мақсадида портлатиш, ўт қўйиш ёки инсонлар ҳалок бўлиши ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш 4-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Башарти ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ўқ отар қуроллар, ўқ-дори, портловчи қурилма, портловчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив моддалар ёки ядровий, кимёвий, биологик ва бошқача оммавий қирғин қуролларини қўллаган ҳолда, стратегик объектларга нисбатан, эҳтиётсизликдан оғир зарар етказиб содир этилса, 6-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Шу билан бир қаторда, Қирғизистонда ҳам террористик ҳаракат тайёрлашда иштирок этган шахс, башарти ҳокимият органларини ўз вақтида огоҳлантириш ёки бошқача усулда террористик ҳаракатнинг олдини олишга шароит яратса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган.

Қирғизистон ЖК 240-моддасида эса, террористик ҳаракатни молиялаштириш учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Унга мувофиқ, террористик фаолиятни молиялаштириш, яъни маблағ Қирғизистон Республикас ҳудуди ёки унинг чегарасидан ташқарида террорист ва (ёки) террористик фаолиятни, террористик фаолиятга тайёргарлик кўриш, содир этишни тўлиқ ёки қисман молиялаштириш учун сарфланишини била туриб маблағни ноқонуний тақдим этиш, молиявий хизмат кўрсатиш ёки ҳар қандай усул ёки воситада, бевосита ёки билвосита маблағ тўплаш 3-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса, 4-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга сабаб бўлади. Мазкур моддада молиявий хизматлар деганда, террористик хусусиятдаги жиноятга тайёргарлик кўрган ёки содир этган шахсларга тегишли бўлган маблағни ёинки террористик ташкилот назорати остида бўлган маблағни олиш ёки сақлаш ёхуд шундай маблағ билан боғлиқ опреациялар (битимлар) амалда ошириш ёки уларни бошқариш тушунилади.

Қирғизистон ЖК 241-моддасида террорчилик фаолиятига ёрдам кўрсатиш деб номланиб, унга кўра, шахсни терроризм билан боғлиқ жиноятлар (ЖК 239, 240, 244, 248, 312, 387-моддалари) содир этишга жалб этиш ёки террорчилик ташкилоти фаолиятида иштирок этиш учун ундаш ёхуд кўрсатилган жиноятлардан бирор-бирини содир этиш мақсадида қуроллантириш, ўқитиш 3-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда шахс ушбу нормада кўзда тутилган ҳаракатлари учун, башарти ҳокимият органларини ўз вақтида огоҳлантириш ёки бошқача усулда мазкур моддадаги жиноятнинг олдини олишга шароит яратса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган.

Қирғизистон ЖК 242-моддаси "Террористик фаолиятни амалга оширишга оммавий даъват қилиш" деб номланиб, бунинг учун 2-тоифадаги озодликдан маҳрум этиш, башарти қилмиш оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки қилмаган ҳолда 3-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинади.

Қирғизистон ЖК 243-моддасида эса, Қирғизистон Республикаси фуқаросининг чет эл давлати ҳудудида ёлланиш белгиларисиз қуроли низолар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши ёки террористик тайёргарликдан ўтиши 2-тоифадаги озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинади.

Юқоридагилар асосида МДХ давлатлари жиноят қонунларининг терроризмга оид нормаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, МДХ давлатларида терроризмга оид кенг доирадаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, бунда террористик ҳаракатларга жалб этиш, кўмаклашиш (Молдова, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон), террористик ҳаракатларни содир этишга оммавий ундаш, оммавий қўллаб-қувватлаш (Озарбайжон, Молдова, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон), террористик ҳаракат тўғрисида қасдан ёлгон хабар бериш (Тожикистон), террористик мақсадларда қувдан (тайёргарликдан) ўтиш, ўқитиш (Молдова, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон), терроризмни молиялаштириш (Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Молдова), террористик ҳаракат тўғрисида қасдан ёлгон хабар бериш (Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Арманистон), халқаро терроризм (Арманистон, Беларусь), террористик гуруҳ ва террористик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида иштирок этиш (Туркменистон) каби жиноятлар учун жавобгарлик алоҳида ажратилган.

Иккинчидан, терроризм мақсади сифатида халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш, давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш кабилар белгиланган. Шу билан бирга терроризм мақсади сифатида Тожикистонда - давлат ҳокимияти ва қуроли тузилмалар фаолиятига путур етказиш, Арманистонда - айбдор шахснинг бошқача ноқонуний қарорларини бажаришга мажбурлаш, Молдовада - жамоатчилик эътиборини ушбу қилмишларни содир этган шахснинг муайян сиёсий, диний ёки бошқача қарашларига қаратиш ҳам кўзда тутилган.

Учинчидан, терроризм объекти томони кўп давлатларда зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар сифатида таърифланади. Шу билан бир қаторда, айрим давлатларда терроризм портлатиш, ўт қўйиш (Тожикистон, Озарбайжон), сув тошириш, кўпчилик учун хавфли усулларни қўллаш (Беларусь), атроф-муҳитга жиддий зиён етказиш (Молдова) орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Тўртинчидан, деярли барча МДХ давлатларида (Туркменистондан ташқари) терроризмни тайёрлашда иштирок этиб, ҳокимият органларига ўз вақтида хабар берган ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг олдини олган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи

рағбатлантирувчи норма белгиланган (Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь). Шу билан бир қаторда Молдова ЖКда анъанавий рағбатлантирувчи нормага қўшимча равишда террористик ҳаракатни содир этган шахс, унинг иштирокичиси ҳокимият органларини тегишли ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилсалар ҳамда шу орқали инсонлар ўлими, уларга тан жароҳати етказиш ёки соғлиғига бошқача зарар етишига ёинки бошқача оғир оқибатлар ёки бошқа жиноятчиларни фош этишга кўмаклашсалар, уларга нисбатан мазкур моддада кўзда тутилган жиноий жазонинг энг кам миқдори қўлланилиши белгиланган (278-модда). Шу билан бир қаторда инсонпарварлик ва одиллик нуқтаи назаридан Қирғизистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунки, деярли барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон жиноят қонунда ҳам терроризмни амалга оширганлик ва бу билан таҳдид қилганлик учун ягона бандда бир хилда жавобгарлик белгиланган. Қирғизистонда эса, террористик ҳаракатни содир этиш билан таҳдид қилганлик учун биринчи қисмда, уни амалга оширганлик учун эса, иккинчи қисмда алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Бешинчидан, Ўзбекистон Жиноят кодексига терроризмнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш, шунингдек одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши кўрсатилган.

Айни дамда МДҲ давлатларида оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида радиоактив моддаларни, ядровий, кимёвий, биологик материаллар ва бошқача оммавий қирғин қуролларини, одамларнинг оммавий ҳалок бўлишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар (Арманистон, Беларусь, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон), ўқ отар қуролдан фойдаланган ҳолда (Арманистон, Молдова, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон), эпидемия ёки эпизотияни тарқатиш (Туркманистон), портловчи, заҳарловчи, кучли таъсир қилувчи, кимёвий ёки биологик моддаларни қўллаш (Беларусь, Молдова, Қирғизистон, Туркманистон), халқаро ёки оммавий тадбир ўтказиш жойида (Озарбайжон), стратегик объектларда (Қирғизистон), атом энергетикаси объектларида (Беларусь), бир гуруҳ шахслар (Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон), хавfli ва ўта хавfli рецидивист, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма томонидан содир этиш (Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон), такроран (Беларусь, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон), миллий, ирқий, маҳаллийчилик, диний адоват (нифоқ, таассублар) замирида (Озарбайжон, Тожикистон), ҳарбийларга нисбатан (Тожикистон), мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб (Тожикистон), ўта катта миқдорда мулкий зарар етказиш (Молдова) қабилар ҳам кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм инсониятга қарши энг хатарли, оғир ва ижтимоий хавfli юқори бўлган жиноят сифатида мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таҳдид солади, давлатда ногинчиликка сабаб бўлади, тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этиб, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши ҳамда жамият ва давлат ривожланишини, раванқини ортага суради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) Вступил в силу с 1 сентября 2001 г. Науч. ред. : Рагимов И.М. - СПб.: Юрид. центр пресс, 2001. - 356 с.; Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.10.2018 г.) // www.icnl.org - International Center for Not-for-Profit Law (ICNL). (The Criminal Code of the Republic of Azerbaijan (approved by the Law of the Republic of Azerbaijan of December 30, 1999 No. 787-IQ) Entered into force on September 1, 2001. Nauch. ed. : Ragimov I.M. - SPb. : Legal. Press Center, 2001. - 356 p. ; Criminal Code of the Republic of Azerbaijan (as amended up to 30.10.2018) // www.icnl.org - International Center for Not-for-Profit Law (ICNL))

2. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.08.2018 г.) // www.mmk.tj - Национальный центр законодательства при Президенте Республики Таджикистан. (The Criminal Code of the Republic of Tajikistan of May 21, 1998 No. 574 (with amendments and additions as of August 3, 2018) // www.mmk.tj - National Legislation Center under the President of the Republic of Tajikistan)

3. Уголовный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2016 года № 19 // www.cbd.minjust.gov.kg - Централизованный банк данных правовой информации Кыргызской Республики (Criminal Code of the Kyrgyz Republic dated February 2, 2016 No. 19 // www.cbd.minjust.gov.kg - Centralized databank of legal information of the Kyrgyz Republic)

Тухташева Умида Абдиловна,

заведующая кафедрой Уголовно-процессуальное право
и криминалистика Ташкентского государственного
юридического университета, кандидат
юридических наук, профессор
E-mail: umidayurist@rambler.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-9>

НАЗНАЧЕНИЕ ИНСТИТУТА ПРОВЕРКИ ЗАКОННОСТИ, ОБОСНОВАННОСТИ И СПРАВЕДЛИВОСТИ СУДЕБНЫХ РЕШЕНИЙ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Аннотация: в статье рассматриваются сущность и назначение института проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений в уголовном процессе. Автор раскрывает назначение указанного института посредством анализа задач уголовно-процессуального законодательства. При этом предлагается определять приоритетность целей и задач уголовного судопроизводства в зависимости от стадий уголовного судопроизводства.

Ключевые слова: задачи уголовного судопроизводства, законность, обоснованность, справедливость, судебные решения, проверка, суды вышестоящей инстанции.

Тухташева Умида Абдиловна,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика
кафедраси мудири, юридик фанлар
номзоди, профессор
E-mail: umidayurist@rambler.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИ ВАЗИФАЛАРИ: НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАР

Аннотация: мақолада жиноят процессида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини моҳият ва вазифалари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан кўрсатилган институт вазифалари жиноят-процессуал қонунчилиги вазифаларини таҳлил қилиш орқали ёритилган. Бунда муаллиф томонидан жиноят иш юриртишни мақсад ва вазифаларини устуворлигини жиноят процесс босқичларига боғлиқ кўриб чиқиш таклиф қилинмоқда.

Калит сўзлар: жиноят иш юриртишни вазифалари, қонунийлик, асослилик, адолатлилик, суд қарорлари, текшириш, юқори турувчи инстанция судлари.

PURPOSE OF THE INSTITUTE OF VERIFICATION OF LEGITIMACY, VALIDITY AND FAIRNESS OF DECREES IN THE CRIMINAL PROCESS: THEORETICAL ASPECTS

Annotation: the article discusses the essence and purpose of the institute of verification of legitimacy, validity, and fairness of decrees in the criminal process. The author reveals the purpose of the that institute by analyzing the tasks of the criminal procedure legislation. It is proposed to prioritize the goals and objectives of criminal proceedings, depending on the stages of criminal proceedings.

Key words: tasks of criminal justice, legitimacy, validity, fairness, court decrees, verification, higher courts.

For citation: Tukhtasheva Umida Abdilovna. PURPOSE OF THE INSTITUTE OF VERIFICATION OF LEGITIMACY, VALIDITY AND FAIRNESS OF DECREES IN THE CRIMINAL PROCESS: THEORETICAL ASPECTS. Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 70-78

Институт проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений в уголовном процессе Республики Узбекистан представляет собой важный и значимый институт в системе стадий уголовного судопроизводства. О значимости данного института свидетельствуют цели и задачи апелляционного, кассационного и надзорного производств, которые логически следуют непосредственно из общих задач уголовного судопроизводства. Так, согласно статье 2 УПК Республики Узбекистан задачами уголовно-процессуального законодательства являются такие как:

быстрое и полное раскрытие преступлений,

изобличение виновных и обеспечение правильного применения закона с тем, чтобы каждый, совершивший преступление, был подвергнут справедливому наказанию и ни один невиновный не был привлечен к ответственности и осужден.

В свою очередь, установленный уголовно-процессуальным законодательством порядок производства по уголовным делам должен способствовать укреплению законности, предупреждению преступлений, защите интересов личности, государства и общества.

Данная норма свидетельствует о высшей ценности прав и свобод человека и гражданина, а также об обязанности государства признавать, соблюдать и защищать их.

Между тем анализ научных взглядов позволяет сделать выводы об неоднозначном подходе к трактовке данного суждения. Так, А.В.Смирнов, например, соглашается с тем, что закон "среди целей (назначения) уголовного судопроизводства выделяет, в первую очередь, защиту прав и законных интересов лиц и организаций, потерпевших от преступлений" [1]. Похожего мнения придерживается и П.А.Лупинская, которая отмечает, что "стремление к его достижению (от авт. - назначению деятельности) должны определенным образом влиять на поведение

лиц, уполномоченных принимать решения, направляя их к достижению этой цели" [2]. В свою очередь, Т.Л.Корепапова также считает, что основным назначением уголовного судопроизводства является защита прав и свобод человека [3].

Иной точки зрения придерживается Е.Б.Мизулина, которая отмечает, что целью уголовного судопроизводства выступает "ограждение от ответственности невиновного и справедливое наказание виновного" [4]. Аналогичные мысли можно встретить и у Т.Н.Москальковой, которая считает, что "нравственная суть уголовного процесса как определенного вида государственной деятельности заключается в том, ... чтобы каждый виновный был привлечен к уголовной ответственности..., каждый потерпевший получил полную сатисфакцию за причиненный ему преступлением ущерб, а каждый ошибочно подвергнуты уголовному преследованию или осужденный - реабилитирован" [5].

Более категоричен В.А.Азаров, который отмечает, что "несмотря на очевидную самоценность этих задач, вряд ли их следует рассматривать как стержневые для уголовного судопроизводства, ибо они не ориентированы на конечный результат. Конечный результат - изблечение и привлечение к уголовной ответственности лица, совершившего преступление" [6]. Похожее мнение можно встретить в работе и ряда других ученых [7].

Нам близка позиция М.В.Бавсун, который считает, что "цель служит не только тем конкретным результатом, который хотел бы получить человек... она также позволяет определить ряд действий, осуществление которых необходимо для ее достижения" [8]. В свою очередь, Н.Г.Стойко среди аспектов назначения уголовного судопроизводства выделяет также и восстановление справедливости [9].

На наш взгляд, назначение уголовного судопроизводства, которое выражается посредством определенных в УПК задач, намного шире, чем "быстрое и полное раскрытие преступлений, изблечение виновных и обеспечение правильного применения закона с тем, чтобы каждый, совершивший преступление, был подвергнут справедливому наказанию и ни один невинный не был привлечен к ответственности и осужден". Об этом свидетельствует часть 2 статьи 2 УПК Республики Узбекистан, где определено, что "порядок производства по уголовным делам должен способствовать укреплению законности, предупреждению преступлений, защите интересов личности, государства и общества".

Обратим внимание, что различные словари под словом "назначение" понимают и цели, и задачи. На наш взгляд, термин "назначение" может в своем понятии объединить цели и задачи уголовного судопроизводства, и наиболее полно характеризовать направленность уголовного судопроизводства. К примеру, Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации в статье 6 содержит следующее определение назначения уголовного судопроизводства: "1. Уголовное судопроизводство имеет своим назначением:

1) защиту прав и законных интересов лиц и организаций, потерпевших от преступлений;

2) защиту личности от незаконного и необоснованного обвинения, осуждения, ограничения ее прав и свобод.

2. Уголовное преследование и назначение виновным справедливого наказания в той же мере отвечают назначению уголовного судопроизводства, что и отказ от уголовного преследования невиновных, освобождение их от наказания, реабилитация каждого, кто необоснованно подвергся уголовному преследованию".

Примечательно, что регламентация назначения уголовного судопроизводства РФ находит свое закрепление в главе о принципах. Таким же образом решен вопрос в УПК Казахстана, который задачи уголовного процесса также отвел в главу, регламентирующие принципы уголовного процесса [10]. В УПК Азербайджанской Республики задачи указаны также в главе, которая закрепляет помимо задач, основные принципы и условия уголовного судопроизводства [11]. УПК Туркменистана также содержит указание на задачи в главе, регулирующей принципы уголовного процесса [12].

Данный вопрос не является непосредственным предметом нашего исследования, но хотелось бы отметить, что при подготовке новой редакции УПК Республики Узбекистан было бы целесообразно рассмотреть и вопросы определения назначения именно уголовного судопроизводства и указать в данной норме задачи, которые должны быть достигнуты в результате уголовно-процессуальной деятельности.

Необходимо отметить, что цели и задачи, обозначенные в Уголовно-процессуальном кодексе, являются общими для всего уголовного судопроизводства, состоящего из последующих друг за другом стадий. Между тем, на наш взгляд, нужно различать приоритетность целей и задач уголовного судопроизводства в зависимости от стадий. Если в досудебном производстве первоочередной, логически, является задача по быстрому и полному раскрытию преступлений, то при производстве в суде первой инстанции больше речь идет об обеспечении правильного применения закона (путем обеспечения и проверки законности процесса доказывания) с тем, чтобы каждый, совершивший преступление, был подвергнут справедливому наказанию и ни один невиновный не был привлечен к ответственности и осужден. В свою очередь, возможность допущения ошибки означает о необходимости существовании таких стадий процесса, чья деятельность была бы направлена на исправление ошибок. Об этой задаче свидетельствует и часть 2 статьи 2 УПК, которая закрепляет, что установленный уголовно-процессуальным законодательством порядок производства по уголовным делам должен способствовать укреплению законности, предупреждению преступлений, защите интересов личности, государства и общества. Именно этим целям направлена и деятельность судов вышестоящих инстанций. Данная цель конкретизируется в наименовании раздела 11 УПК, который регламентирует порядок производства в апелляционной, кассационной и надзорной инстанциях. Так, исходя из наименования 11 УПК, назначением производств в судах вышестоящих инстанциях является проверка законности, обоснованности и справедливости приговоров, определений и постановлений.

Схожие мнения мы можем встретить у И.С.Дикарева, который отмечает, что "производство в суде второй инстанции в системе уголовного судопроизводства обусловлено необходимостью достижения такой цели, как проверка законности, обоснованности и справедливости выносимых судом решений" [13]. Волколуп О.В. также считает, что "цель стадии пересмотра не вступивших в законную силу судебных решений заключается в проверке законности, обоснованности и справедливости приговоров, постановлений и определений суда первой инстанции" [14]. Аналогичного мнения придерживается и Г.А.Жилин, определяющий целями суда второй инстанции "проверку правильности судебных постановлений, устранение судебной ошибки..." [15].

В целом соглашаясь с вышеуказанными авторами, мы полагаем, что науке уголовно-процессуального права следует различать как общие цели для всех стадий уголовного судопроизводства, так и специальные цели для каждой стадии в отдельности.

В рамках настоящего исследования считаем необходимым определить задачи производства в судах вышестоящих инстанций. Следует отметить, что предусмотренная законодательством Республики Узбекистан система института проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений, в первую очередь, направлена на формирование основ надежной защиты основных прав и законных интересов человека в уголовном процессе.

Анализ судебной практики показывает, что рассмотрение дела в одной судебной инстанции, несмотря на все старания, не исключает возможность допущения ошибок при вынесении приговора. Следовательно, в каждом правовом государстве существует потребность в функционировании средств, с помощью которых в необходимых случаях должна осуществляться проверка и исправление судебных ошибок. Такими средствами призваны служить способы обжалования и пересмотра приговоров в вышестоящих судебных инстанциях, которые дают дополнительную гарантию для вынесения справедливого, законного и обоснованного судебного решения. Заметим, что проблема организации наиболее эффективной системы проверки судебных решений является важным вопросом, как для судоустройства конкретной страны, так и для любого вида судопроизводства, и, как представляется, в уголовном процессе этот вопрос приобретает особую остроту. Ведь здесь отсутствие надлежащих способов выявления и исправления судебных ошибок может привести к тому, что невиновный человек окажется на долгие годы лишенным свободы.

Рассмотрение уголовных дел в судах вышестоящих инстанций является важной формой проверки судом вышестоящей инстанции законности, обоснованности и справедливости вынесенных судебных решений, направленной на устранение судебных ошибок.

Суды вышестоящих инстанций, рассматривая уголовные дела по жалобам и протестам, осуществляют тем самым правосудие. Анализ правоприменительной практики и норм уголовно-процессуального законодательства, регулирующие производство в суде апелляционной, кассационной и надзорной инстанциях, позволяет заключить, что данные стадии фактически выполняют роль судебного контроля и надзора за судебной деятельностью нижестоящих судов, средство быстрого исправления допущенных ошибок, повышения качества правосудия. При этом необходимо различать функции судебного надзора и контроля. Это две различные процессуальные функции [16]. Подобного мнения придерживается и В.Д.Брынцев, считая судебный контроль самостоятельной функцией судебной власти [17]. В свою очередь, Д.В.Филин справедливо отмечает, что поводом для осуществления судебного-контрольной функции является только жалоба заинтересованного лица либо представление прокурора [18]. В то же время ошибочно суждение М.Саттаровой, которая считает, что апелляционная инстанция является средством осуществления прокурорского надзора [19], так как по уголовно-процессуальному законодательству в данной инстанции наравне с прокурором осуществляют свои права на обжалование и иные участники процесса (осужденный, оправданный, их защитники, потерпевший, гражданский

истец, гражданский ответчик и их представители). Заслуживает внимания и мнение А.В.Смирнова, который считает, что "проверка судебных актов вышестоящими судами имеет своей целью ... и обеспечение единообразия понимания и применения закона всеми судами. Подобная деятельность в целом квалифицируется ... как судебный надзор за деятельностью судов" [20].

Обобщение научных взглядов позволяет сделать вывод, что суды апелляционной, кассационной и надзорной инстанций, в первую очередь, осуществляют контрольные полномочия, так как необходимым условием рассмотрения дела указанными судами является наличие жалобы или протеста. В то же время, необходимо отметить, что, в соответствии с законом, указанные суды, не ограничиваясь доводами жалобы или протеста, проверяет дело в полном объеме в отношении всех осужденных, в том числе и тех, которые не подавали жалоб, и в отношении которых жалобы и протест не принесены (статья 482 УПК). Следовательно, указанным судам присущи и надзорные полномочия, которые предопределены наличием в их деятельности ревизионных начал. Суды вышестоящих инстанций, рассматривая дело по жалобам и протестам, не только контролируют, но и осуществляют надзор за соблюдением законности органами предварительного следствия и судом первой инстанции.

Вышеотмеченное позволяет заключить, что подача жалобы является основанием для реализации контрольной функции суда, а предоставленные в связи с рассмотрением дела в вышестоящем порядке ревизионные полномочия способствуют реализации надзорной функции.

Рассмотрение контрольных и надзорных функций, осуществляемых судами вышестоящих инстанций, позволяет сделать заключение, что институт проверки судебных решений - урегулированная законом деятельность по осуществлению функции контроля и надзора за деятельностью суда первой инстанции посредством рассмотрения судами апелляционной, кассационной и надзорной инстанций уголовных дел по принесенным жалобам и протестам в целях решения им вопроса о законности, обоснованности и справедливости обжалованного или опротестованного приговора (определения) суда первой инстанции.

Таким образом, общей задачей судов вышестоящих инстанций является проверка законности, обоснованности и справедливости приговоров, определений и постановлений, а тем самым и всей процессуальной деятельности, осуществленной по данному делу органами следствия, прокуратурой и судом первой инстанции. Данная задача может иметь свои отдельные особенности в зависимости от рассмотрения дела на конкретной стадии: апелляционной, кассационной или надзорной.

Стадии апелляционного и кассационного производства, в отличие от стадий надзорного производства и возобновления дел по вновь открывшимся обстоятельствам представляет обычную стадию процесса, ибо в ней проверка законности, обоснованности и справедливости приговоров и определений осуществляется не в зависимости от усмотрения должностных лиц суда и прокуратуры, наделенных правом приносить протест в порядке надзора, а по жалобам и протестам, принесенным в соответствующем порядке.

Обязанностью судов вышестоящих инстанций является реагирование на все случаи нарушения законности, допущенные при расследовании и судебном рассмотрении дел. При этом выяснение существенности или несущественности

нарушений уголовно-процессуального закона имеет значение лишь для решения вопроса об отмене или изменении приговора, и напротив, это не имеет значение для решения вопроса, реагировать или не реагировать на допущенное нарушение. Указанные инстанции обязаны реагировать на любое нарушение закона, независимо от того, существенно оно или нет.

Следует отметить, что часть 2 статьи 2 УПК расширила задачи как всего уголовного судопроизводства, так и производства в судах вышестоящих инстанций в отдельности. Данная норма определила такую задачу как охрану прав и законных интересов участников процесса. Установленный законом порядок предоставляет участникам уголовного процесса свободу обжалования. Так, обращаясь с жалобами в соответствующем порядке, участники процесса добиваются восстановления своих нарушенных прав, что в свою очередь, свидетельствует о роли института проверки судебных решений в укреплении законности в уголовном судопроизводстве и успешном осуществлении правосудия. Заметим, что деятельность суда вышестоящих инстанций распространяется на проверку не только правильности судебного разбирательства дела, но и правильности возбуждения дела, дознания и предварительного следствия. Иными словами, жалобы на решения судов являются не только поводом для восстановления нарушенных прав и охраняемых законом интересов граждан, но и средством выявления недостатков в работе судов, прокурорско-следственных и иных правоохранительных органов [21]. Этот фактор побуждает дознавателя, следователя и прокурора неуклонно соблюдать требования закона. Таким образом, данный институт служит реальной гарантией законности всего уголовного судопроизводства, а не только судебного разбирательства.

Осуществляя функцию судебного контроля и надзора деятельности судов первой инстанции, суды вышестоящих инстанций в процессе своей деятельности обеспечивают единство всей судебной деятельности, содействует единообразному пониманию и применению законов, устраняет разноречивость в судебной практике и тем самым утверждают законность в деятельности судов, прокуратуры и органов дознания и предварительного расследования.

Сноски/ Иқтибослар/References

1. Смирнов А.В. Особый порядок принятия судебного решения при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве // Уголовный процесс. - 2009. - № 9. - С.6-7. (Smirnov A.V. A special procedure for the adoption of a judicial decision when concluding a pre-trial agreement on cooperation / / Criminal procedure. - 2009. - № 9. - С.6-7.)

